

# Вақтинг кетди...

**Вақт нима? Ундан қандай фойдаланиш керак?**

Вақт – гёё инсоннинг ҳаёт кийими тўқиладиган ип. Пишиқ ва нағислигига қараб, унинг қиймати ошади. Агар иплари тўзғиган бўлса, ҳаётнинг ҳам маъниси қолмайди.

Вақт ўтиб кетса, қайтиб келмайди. У инсон сарф этадиган асосий сармоядир. У қанчалик кўп бўлса ҳам, оздир. Оз бўлсаю баракали бўлса, кўпдир. Инсон ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, уни яхши амалларга сарфласа, умри баракали бўлади.

Умринг ғанимат эканини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан гўзалроқ таърифлаган киши бўлмаган.

**“Беш нарсани беш нарсадан олдин ғанимат билинг:**

- 1) кексалик келишидан аввал ёшлигинизни;
  - 2) касал бўлишидан аввал саломатлигингизни;
  - 3) фақирлигингиздан аввал бойлигинизни;
  - 4) бир ишга машғул бўлишингиздан аввал бўши вақтингизни;
  - 5) ўлимдан аввал тириклигингизни!”
- (И мом Ҳоким ривояти).

Ислом уммати мана шу олтин қоидаларга риоя қилган пайтларда башариятнинг гултожи бўлиб, мусулмон ренессансига асос солдилар.

Афсуски, бугун бундай дея олмаймиз. Чунки умримиз “телеграм”, “инстаграм”, “фэйсбуқ”, “тик-ток” каби ижтимоий тармоқларда соврилмоқда. Ҳатто кечаси билан бедор, турли ўйинлар ўйнаб ёки кўнгилхушлик билан вақт ўтказаётганлар кўпайиб кетди. Бундай иллатларнинг яна бири чойхона, гап-гаштагу турли зиёфатларнинг ҳаддан ташқари кўплигидир. Вақти-вақти билан дўст-ёр ва биродарлар билан кўришмоқ яхши. Бироқ унинг ҳам меъёри бўлиши керак.

Агар инсон чойхонага сарфлаган вақтини фарзандларининг таълим-тарбиясига бағишиласа, ўзи учун ҳам, фарзандлари

учун ҳам фойдадан холи бўлмайди. Шу билан бирга, гап-гаштак, чойхоналарда фойдали мавзулар кўтарилиб, яхшиликка тарғиб, ёмонликдан қайтариш бўлса, нур устига нур. Лекин аксар ҳолларда чойхона бекорчи ва ғийбат гаплардан иборат бўлади. Бундай ҳолатлар қалбни қорайтиришдан, умринг, пулнинг исроифидан бошқа нарса эмас.

Халқимизда “Сўнгги пушаймон – ўзингга душман” деган мақол бор. Умринг исрофи қаттиқ пушаймонликдир.

Аллоҳ таоло Куръони каримда бундай марҳамат қиласи: “(Эй Муҳаммад! Одамларга) дунё ҳаёти мисолини келтиринг, у худди бир сув кабидурки, биз уни осмондан ёғдиргач, баҳорда у сабабли ер ўсимликлари бир-бирига аралашиб (кўшилишиб) кетур, сўнгра кузда шамоллар учириб кетадиган хашакка айланаб қолур” (Қаҳф сураси, 45-оят).

Ушбу оятнинг мазмун-моҳиятини яхши англаған инсон умрини исроф қилмайди.

Бир мулоҳаза қилинг. Айни шу соатларда дунёнинг турли бурчакларида бинолар қад кўтармоқда, янги-янги кашфиётлар қилинмоқда, илм мажлислари ўтказилмоқда, инсонларга яхшилик улашилмоқда, ёш йигит-қизлар турмуш қурмоқда, чақалоқлар дунёга келмоқда, кимлардир бу фоний дунё билан хайрлашмоқда.

Аммо биз-чи? Ҳеч бир эзгу амалсиз ҳеч нарса бўлмагандек, ҳеч нарса йўқотмагандек хотиржаммиз. Қимматли вақтимизни бой бераётганимиз бизни асло ташвишга solaётгани йўқ. Ҳар бир сония заволни топади, ҳар бир лаҳза йўқлик қаърига кетади.

Бу ҳаётда “Эсизгина умрим-а, ёшлик ийлларимни беҳуда ўтказиб юборибман. Қанийди, умр бошқатдан берилганда бу хатоларни такрорламаган бўлар эдим”, дея афсус-надомат чеккан жуда кўп инсонларни кўряпмиз.

Сиз-чи, азизлар? Чуқурроқ бир ўйлаб кўринг... Умрингизни нималарга сарфляяпсиз?

**Отабек Йўлдошев,  
Арнасой тумани бош имом-хатиби**

# Гап кимни күришдадир...

**Маҳмуд Фозий Абул Ҳасан Харақоний хузурларига кириб: “Абу Язид Бистомий ҳақида нима дейсиз?” деб сүрайди.**

Шайх: “Ким унга әргашса, ҳидоят топади ва абадий саодатта эришади”, деб жавоб беради.

Маҳмуд: “Қанақасига, ахир, Абу Жаҳл Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламни күриб бадбаҳтликдан қутулмадику!?” дейди.

Шайх: “Абу Жаҳл Аллоҳнинг пайғамбари бўлган Муҳаммад алайҳиссаломни кўрмаган, балки ўзи билган Абу Толибнинг жияини кўрган. Агар у ҳам Муҳаммад алайҳиссаломни кўрганида эди, абадий саодат топар эди”, дейди.

Аллоҳ таоло айтади: “...Сиз уларнинг қараб турғанларини кўрасиз, бироқ улар кўрмайдилар” (Аъроф сураси, 198-оят).

Бир киши Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули, сиз менга аҳлим ва молимдан кўра суюклисиз. Мен сизни кўп эслайман, то олдингизга келиб, сизни кўрмагунимча соғинч босилмайди. Мен сизнинг ва ўзимнинг вафотимни ўйладим ва билдимки, сиз жаннатга кирсангиз, набийлар билан юксак мақомларга кўтариласиз. Агар мен жаннатга кирсам, сизни кўролмай қолар эканман”, деди. Шунда Аллоҳ таоло оят нозил қилди: “**Ким Аллоҳ-**



**Нуриддин Ҳамроқулов 1987 йили Наманган вилоятида таваллуд топган.**

**2018–2022 йилларда Андижон шаҳридаги “Сайийд Муҳиддин Маҳдум” ўрта маҳсус ислом билим юртида таълим олган.**

**Ҳозирда Наманган**

**вилояты Учқўрғон тумани “Шарҳончек” жоме масжиди имом ноиби вазифасида ишляпти.**

Нисо сураси, 69-оят

**بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ**  
**وَمَن يُطِعِ اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَأُولَئِكَ**  
**مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنَ النَّبِيِّينَ**  
**وَالصِّدِّيقِينَ وَالشُّهَدَاءِ وَالصَّالِحِينَ**  
**وَحَسْنَ أُولَئِكَ رَفِيقًا ﴿٦٩﴾**

Нисо сураси Мадинада нозил бўлган, 176-оятдан иборат

га ва Расулига итоат қилса, бас, ана ўшалар Аллоҳ неъмат берган набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан биргадирлар. Ва уларнинг рафиқлари қандай ҳам яхши!” (Нисо сураси, 69-оят).


Бошқа бир ҳадисда: «Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг хузурларида бир киши бўлар эди, у зотга қараб турар, кўзини юммас эди. Шунда Расууллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ундан: “**Сенга нима бўлди?**” деб сўрадилар. У: “Отам, онам сизга фидо бўлсин, сизга термулиб, ҳаловат топяпман. Агар қиёмат бўлса, Аллоҳ ўз фазли билан сизнинг даражангизни юқори қиласи”, деди. Аллоҳ таоло мазкур оятни нозил қилди», дейилган.

Гарчи бизлар Расулимиз соллаллоху алайҳи ва салламни кўзларимиз билан кўрмаган бўлсак-да, Аллоҳ таоло қалб кўзларимиз ила у зотга муҳаббатли бўлишни насиб этди.

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда у зот: “**Ким мени яхши кўрса, мен билан жаннатда бўлади**”, дедилар.

Кўришдан ва муҳаббатли бўлишдан мақсад ҳам аслида шу эмасми? Аллоҳ таоло бу муҳаббатимизни жаннатда у зот билан бирга бўлиш ила мукофотласин.

**Нуриддин домла ҲАМОРОҚУЛОВ,**  
**Учқўрғон тумани “Шарҳончек” жоме**  
**масжиди имом ноиби**



20



ДУНЁДАН ДАРАКЛАР  
Ислом ва олам

32



МАКТУБЛАРДА  
МАНЗАРАЛАР  
Беморнинг насиҳати

12



ИДОРА  
ҲАЁТИ

Фахрий имом  
эътирофда

14



МАСАЛА  
Сўраган эдингиз...

!

?

!

?

!

?

# Мундарижса

## Яхшиликка чақириш

Вақтинг кетди... ..... 1

## Таянч нуқта

Гап кимни кўришдадир... ..... 2

## Тағсир

“Раббингизни ғазаблантирган  
бўласиз...” ..... 4

## Огоҳлик – давр талаби

Фитна – кўз илғамас хатар ..... 6

## Менда таклиф бор

Чироқсиз – ёруғ, мосламасиз – салқин ..... 7

## Ҳадис шарҳи

Фарзандларингиз орасида  
адолат қилинг ..... 8

## Ўзбекистон мусулмонлари

### идорасининг 80 йиллиги

“Барча муфтийлар билан  
бирга ишладим...” ..... 10

## Хушёр бўлинг, одамлар!

Нишонга урилган насиҳат ..... 13

## Улуғлар ибрати

Динимиз маломатдан  
қўрқмасликка буюради... ..... 16

## Ақида

Мўъжиза масаласи ..... 18

## Дунёдан дараклар

Ислом ва олам ..... 20

## Ибратли ҳикоялар

Авлиёлар борми?! ..... 21

## Тўйлар ҳақида ўйлар

Дабдаба деб қарзга ботиш жабр-ку! ..... 22

## Динимизни ўрганамиз

Меросхўрларнинг тартиби ..... 23

## Ёмонликдан қайтарши

Васваса руҳий хасталикдир ..... 24

## Ҳикматлар

Уламолар ҳиммати риоя қилишдир ..... 25

## Шеърият

Омон ўтиб келсан хавфу хатардан... ..... 26

## Ўзбекистон мусулмонлари

### идорасининг 80 йиллиги

Гуноҳ ишдан ҳеч ким қайтармаса... ..... 28

Ҳамиша эл хизматида ..... 29

## Саодат асрига саёҳат

Савиқ ғазоти ..... 30

## Мактубларда манзаралар

Самимий гапнинг кори ..... 32

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَإِذَا جَاءَكَ الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِنَا فَقُلْ لَهُمْ سَلَامٌ عَلَيْكُمْ كَتَبْ رَبُّكُمْ عَلَىٰ نَفْسِهِ الرَّحْمَةَ إِنَّ اللَّهَ مِنْ عَمَلِ مِنْكُمْ سُوءًا بِجَهَاهَةٍ ثُمَّ تَابَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَصْلَحَ فَإِنَّهُ عَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٥٤﴾

## “Раббингизни ғазаблантирган бўласиз...”

«Агар ҳузурингга оятларимизга иймон келтирганлар келсалар: “Сизларга салом бўлсин, Раббингиз Ўз зиммасига раҳматни ёзди. Сиздан ким билмасдан ёмонлик қилса, сўнгра тавба қилиб, солих амал қилса, бас, албатта, У Зот мағфиратли ва раҳмли Зотдир”, деб айт» (Анъом сураси, 54-оят).

**“Сизларга салом бўлсин”.** И мом Табороний Ҳаббоб розияллоҳу анҳудан ривоят қиласди: «Акро ибн Ҳобис Тамими, Уяина ибн Ҳисн Фазорий Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳузурларига келгандарида у зотни Билол, Суҳайб, Аммор, Ҳаббоб ва бошқа заифҳол мўминлар билан гаплашиб ўтирганларини кўрдилар ва уларни ҳақорат қилдилар. Улар Набий алайҳиссаломга: “Биз сиздан ўзимизга хос мажлис қилишингизни истаймиз. Араблар фазлимизни билиб қўйишин. Олдингизга араб қабилаларининг вакиллари келиб туради. Биз ўша арабларга анави қулваччалар билан бирга ўтирган ҳолда кўринишдан уяламиз. Биз келганимизда уларни чиқариб юборинг. Гапимизни тугатиб кетганимиздан сўнг, хоҳласангиз, улар билан ўтираверасиз”, дейишиди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом қоғоз келтиришни ва ёзиш учун ҳазрат Алини чақиришни амр қилдилар. Биз бир четда ўтириар эдик. Шу пайт Жаброил алайҳиссалом: “Эртаю кеч Раббиларига Унинг юзини ирода қилиб дуо эт-ётганларни ҳайдама! Уларнинг ҳисобидан сенинг зиммангда ҳеч нарса йўқ. Сенинг ҳисобингдан уларнинг

зиммасида ҳеч нарса йўқ. Уларни ҳайдаб, золимлардан бўлиб қолма” (Анъом сураси, 52) оятини нозил қилди. Сўнгра: “Орамиздан Аллоҳ неъмат берган шуларми?” дейишилари учун шундай қилиб, баъзиларни баъзилари илиа синадик. Аллоҳнинг ўзи шукр қи́лувчиларни яхши билувчи эмасми?” ояти каримаси тушди. Кейин эса: “Агар ҳузурингга оятларимизга иймон келтирганлар келсалар: “Сизларга салом бўлсин, Раббингиз Ўз зиммасига раҳматни ёзди”, ояти нозил бўлди. Набий алайҳиссалом қўлларидаги қоғозни ташладилар-да, бизларни чақирдилар.

Биз олдиларига келганимизда: “Сизларга салом бўлсин, Раббингиз Ўз зиммасига раҳматни ёзди”, деб кутиб олдилар».

Ушбу ҳодисадан сўнг Набий алайҳиссалом оятда назарда тутилган саҳобаларни кўришлари билан биринчи салом берар ва: “Умматимдан уларга биринчи бўлиб салом беришимни буюрган кишиларни бор қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин”, дер эдилар.

Ушбу изоҳга кўра, оятдаги “салом” Набий алайҳиссалом тарафларидан берилмоқда. Бир ўринда: «Салом Аллоҳ таоло

томонидан берилмоқда. Яъни: “Уларга саломимизни етказинг”, маъносида», дейилади. Икки фикр ҳам ўша одамларнинг Аллоҳ таоло наздида даражаси ва мақоми улуғ эканига далил.

Имом Муслим раҳимаҳуллоҳ Оиз ибн Амрдан ривоят қиласи: «*Абу Суфён ўшанда Салмон, Суҳайб, Билол ва бир неча саҳоба розияллоҳу анҳум олдидан ўтди. Улар: “Аллоҳга қасам, биз уни ўлдиrolмадик”, дедилар. Бу гапни эшишган Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу: “Курайш раисига шундай демоқдамисиз?!” деди. Сўнг бориб бу ҳақда Набий алайҳиссаломга хабар қилди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Эй Абу Бакр, балки сиз уларнинг жаҳлини чиқаргандирсиз. Агар уларни ғазаблантирган бўлсангиз, дарҳақиқат, Раббингизни ғазаблантирган бўласиз”, дедилар. Абу Бакр Сиддиқ уларнинг олдига қайтиб: “Эй биродар-дўстларим, сизни хафа қилмадимми?” деб сўради. Улар: “Йўқ, эй биродар, Аллоҳ сизни мағфират қилсан”, дедилар». Ҳадиси шарифда ояти карима саҳобаларнинг юксак даражалари ва хурматларига далилdir.*

Ушбу далиллардан солиҳларни ҳурматлаш, уларни ғазаблантирадиган, уларга озор берадиган нарсалардан четлашиш лозимлиги келиб чиқади. Яъни ким Аллоҳнинг дўстларидан бирортасини ранжитса, Парвардигор ғазабланади ва уни иқобига гирифтор қиласи.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: “Ояти карима Абу Бакр, Умар, Усмон, Али розияллоҳу анҳум ҳақида нозил бўлган”, деган.



**Ориф Амонов** 1982 йили Бухоро вилоятида туғилган. 2007–2011 йилларда “Мир Араб” ўрта махсус ислом билим юртида таълим олган. 2019 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини тамомлаган.

Ҳозирда Ғиждувон шаҳридаги “Абдухолиқ Ғиждувоний” жоме масжиди имомхатиби ҳамда туман бош имоми бўлиб ишлаб келмоқда.

Фузайл ибн Иёз: «Мусулмонлардан бир неча киши келиб: “Гуноҳ қилдик. Биз учун истиғфор сўрасангиз”, деганларида, Набий алайҳиссалом улар айтгандай қилмаганлар. Шундан сўнг ушбу ояти карима нозил бўлган», дейди.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ҳам худди шундай ривоят бор.

**“Раббингиз йўз зиммасига раҳматни ёзиди”**. Яъни Ўзининг ҳақ ва рост хабари этиб зиммасига вожиб қилди. Бир қавлда: “Аллоҳ таоло ушбу ояти каримани Лавхул Маҳфузга ёзди”, дейилган.

**“Сиздан ким билмасдан ёмонлик қиласа...”** Мужоҳид раҳимаҳуллоҳ: “Билимсизлик сабаб гуноҳ қилган ҳар бир киши жоҳил дейилади”, деган. Бир ўринда: “Ким охират ҳаётидан кўра дунё ҳаётини афзал кўрса, у жоҳилдир”, дейилган.

**“Сўнгра ундан кейин тавба қилиб, солиҳ амал қилса, бас, албатта...”** Оят куфрдан тавба қилишни ўз ичига олмайди. Чунки оят: “Агар хузурингга оятларимизга иймон келтирганлар келсалар”, деб васфлаган кишилар учун хитобдир. Оятда мусулмоннинг гуноҳдан тавба қилаётгани назарда тутилган.

**“Билмасдан...”** Бу ўринда хато назарда тутилмаяпти. Чунки хато учун тавба қилишнинг ҳожати йўқ. Балки оядта шахват сабабидан қилинган гуноҳ учун тавба назарда тутилмоқда. Бундан англашиладики, мўмин билатуриб гуноҳга кўл урса, сўнг ҳақиқий тавба қилса, Аллоҳ таоло унинг тавбасини қабул қиласи.

**“Сиздан ким билмасдан ёмонлик қиласа”**. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ: “Гуноҳ қилувчи ҳар бир киши”, деган. Бошқа бир ўринда яна бундай келади: “Агар киши амалининг оқибати ёмон эканини билса эди, дунё лаззатларидан кўра охиратдаги жуда кўп яхшиликларни афзал кўрган бўларди”.

**“У Зот мағфиратли ва раҳмли Зотдир”**. Иқобини бекор қилиши сабабидан – Мағфиратли Зот. Охири раҳмат бўлган тавбага эриштириши сабабидан – Раҳмли Зот.

“Тафсири Қуртубий”, “Тафсири Розий” ва  
“Тафсири ҳилол” асарлари асосида  
Ғиждувон тумани бош имом-хатиби  
**Ориф АМОНОВ** тайёрлади.

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
раиси, муфтий

хотоя кама бааъдта байнал машриқи  
вал мағриби. Аллоҳумма файнний аъу-  
зу бика минал касали вал ҳароми вал

# Фитна – кўз илғамас хатар

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

## АЛЛОҲ ФИТНАДАН ПАНОҲ БЕРИШИНИ СЎРАНГ

Дуо бандани Холиқига боғлайдиган энг самимий тилаклар йифиндисидир. Унда қалдан чиқсан илтижолар ила муҳим мақсадлар сўралади. Ҳадисларда дуони мустақил ибодат дейилади. Ибодат бўлганда ҳам ибодатлар мағзи ва илиги ҳисобланади. Инсон суягидаги илиги қуриб қолса, ҳаракатдан тўхтайди. Шунингдек, ибодатларда ҳам дуо билан унум бўлади, олдинга силжиш бўлади. Бу ҳақиқатни тушунган ҳар бир киши ўзи учун керакли ва муҳим нарсаларни ҳар доим дуосида сўраб юради. Ҳадисларда ҳар бир ишнинг маҳсус дуоси бўлгани каби фитнадан сақланиш дуоси ҳам бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таолодан икки дунё яхшиликларини сўраганларидек, ёмонликлардан ҳам паноҳ сўраб дуо қиласидилар.

У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам доимо фитнадан ва турли ёмонликлардан паноҳ сўрадилар.

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу: «**Аллоҳумма файнний аъузу бика мин фитнатин нари ва азабин нари ва фитнатил қобри ва азабил қобри ва мин шарри фитнатил ғина ва мин шарри фитнатил фақри ва аъузу бика мин фитнатил масиҳид дажжал. Аллоҳумма иғсил хотояя бимаил салжи вал бароди ва наққи қолби минал хотоя кама наққойтас савбал абязо минад данаси ва бааъид байни ва байна**



**маъсами вал мағроми**» дуолари билан дуо қиласидилар» (Имом Муслим ривояти).

Дуонинг маъноси: «Эй Аллоҳим, албатта, мен Сендан жаҳаннам фитнаси ва азобидан, қабр фитнаси ва азобидан, бойлик фитнаси ёмонлигидан ва фақирлик фитнаси ёмонлигидан паноҳ сўрайман ва яна Сендан Масих Дажжол фитнаси ёмонлигидан паноҳ сўрайман. Аллоҳим, хатоларимни қор ва дўл ёмфири сувлари билан ювгин. Қалбимни оппоқ кийимни кирдан поклаганинг каби покла ва мен билан хатоларим орасини машриқ билан мағриб ўртасини узоқ қилганингдек узоқ қил. Аллоҳим, албатта, мен Сендан дангасалик, ўта қарилик, гуноҳ қилиш ва қарзга ботишдан паноҳ сўрайман».

Фитналардан ҳимоя ва қўрғон бўлиши учун ушбу дуони канда қилмай доимо ўқиб юримиз керак.

## ФИТНА ВАҚТИДА ҚУРОЛ СОТИШНИНГ ХУКМИ

Фитна вақтида қурол олди-сотди масаласи фиқҳ китобларида кенг баён қилинган.

Бу ҳақда «Ал-мавсуъа ал-фиқхийя ал-Қувайтия» китобида бундай дейилади: «Жумҳур фақиҳлар боғий (подшоҳга қарши чиқувчи) ва фитначи кишиларга қурол-аслаҳа сотишни ҳаром дейдилар. Чунки мана шундай қилишда маъсиятга ёрдамлашишнинг йўли тўсилади. Шунингдек, ижарага бериш, алмашиш ҳам савдо қилиш ҳукмидадир. Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳ: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитна вақтида қурол сотишдан қайтардилар», дейди.

Ҳанафийлар фитначиларга қурол сотиши макрух таҳримий эканини очиқ айтадилар. Сабаби бу иш маъсиятга ёрдамлашишдир. Аллоҳ таоло айтади: “**Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманг**”.

Фитначиларнинг қуролини фитнага ишлатиб қўймасликлари учун имкон қадар олиб қўйиш лозим. Шундай экан, уларга қурол сотмаслик янада лозимроқдир».

Ҳанафийларнинг энг машҳур ва мўътабар “Хидоя” китобида қуидагиларни ўқишимиз мумкин. “Савдо” ҳақидаги фаслда бундай матн келтирилади:

(وَيُكْرِهُ بَيْعُ السِّلَاحِ فِي أَيَّامِ  
الْفِتْنَةِ) مَعْنَاهُ مِمَّنْ يُعْرَفُ أَنَّهُ  
مِنْ أَهْلِ الْفِتْنَةِ؛ لَأَنَّهُ تَسْبِيبُ إِلَى  
الْمُغْصِيَةِ

“Фитна кунлари қурол сотиши макрух ҳисобланади. Унинг маъноси фитначилардан экани маълум бўлган кишиларга (қурол сотиши макруҳдир). Чунки бу маъсиятга ёрдам беришдир”.

Ҳанафийларнинг қайдсиз келган “макрух” сўзи “макрух таҳримий”ни ифода қиласди.

Бу масала барча ишончли манбаларда зикр қилинган. Бу ҳукмнинг асли ҳанафий мазҳабига катта ҳизмат қилган, Абу Ҳанифа раҳматуллохи алайҳининг катта шогирдларидан бири Имом Мұхаммад раҳматуллохи алайҳининг “Жомеъус сағір” китобида зикр қилинган.

Хулоса қиласдиган бўлсак, фитначига ҳар қандай моддий ёки маънавий қуролларни сотиши мумкин эмас. Айниқса, бу ҳукмга фитна вақтида янада жиддий қаралади.

(Давоми келгуси сонда.)

## Чироқсиз – ёруғ, Мосламасиз – салқин

Куз фасли бўлишига қарамасдан, ёзниң тафтини ҳис қилиш мумкин. Айниқса, жамоат жойларида бундай об-ҳаво кишини лоҳас қиласди. Бугун совутадиган турли замонавий техника воситалари бор. Бироқ уларни баъзан меъёридан ортиқ ишлатиб исрофгарчиликка йўл қўямиз.

ИсроСурасида: “...ИсроФарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукр эди”, (ИсроСураси, 26–27-оятлар) дейилади.

Ёзниң иссиқ кунларида Жиззах шаҳрининг “Наврӯз” маҳалласида янги қурилган “Хўжа Нуриддин ҳожи” масжидида жамоат билан намоз ўқидим. Масжидда чироқсиз ҳам ёруғликнинг борлиги, совутиш мосламаси бўлмаси ҳам, ҳароратнинг яхшилиги мени қувонтириди. Масжид жамоаси ёруғлик ва салқинликдан унумли фойдаланган ҳолда анча электр энергиясини тежаётган эди.

Масжиднинг ичкарисига кириб, Аллоҳ берган ақлдан унумли фойдаланиш исрофгарчиликнинг олдини олишга сабаб бўлишига янада амин бўлдим. Масжид гумбазининг айланаси деразадан иборат бўлиб, хонақоҳ чироқсиз ҳам ёруғ эди. Бу масжиднинг чизмасини чизган мутахассис ва қурувчиларнинг маҳоратига қойил қолдим. Бундай тажрибани республикамизнинг бошқа масжидларида қўллашни таклиф қиласман.

И моми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ: “Хайру эҳсонда исроф бўлмаганидек, исрофда ҳам ҳеч қандай хайр йўқдир”, деганлар. Исрофгарчиликларнинг олдини олиб, бу масалада эътиборли бўлишимиз лозим. Сабаби, баъзан билб, баъзан билмасдан исрофгарчиликка йўл қўямиз. Ақл-заковатимизни исрофгарчиликларсиз ҳам ўзимизга қулайлик ва имконият яратиш учун сарфласак, амалларимиз янада гўзал бўлади.

Товбой Ҳўжамбердиев,  
Галлаорол тумани

Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳу ривоят қиласиди: «Отам менга совға берди. Онам Амра бинти Равоҳа: “То бунга (совгага) Расулуллоҳ соллаллоҳу алаихи ва салламни гувоҳ қилмагунингизча рози бўлмайман”, деди.

## Фарзандларингиз орасида адолат қилинг

**О**там Набий алайхиссаломнинг хузурларига борди ва: “Мен Амра бинти Равоҳадан дунёга келган ўғлимга (мулкимдан) ҳадя бердим. Ё Расулуллоҳ, Амра сизни гувоҳ қилишимни буюрди”, деди. Набий алайхиссалом: “**Бошқа фарзандларингга ҳам бердингми?!**” деб сўрадилар. Отам: “Йўқ”, деди. Набий алайхиссалом: “**Аллоҳ таолога тақво қилинглар ҳамда фарзандларингиз орасида адолат қилинглар**”, дедилар.

Ровий айтади: “Отам келиб ҳадясини қайтариб олди”.

Имом Ибн Ҳиббон ва Имом Табароний раҳимаҳумаллоҳ Шаъбийдан қилган ривоятида бундай дейилади: «Бир куни Нўъмон ибн Башир Куфада хутба қилиб бундай деди: “Отам Башир ибн Саъд Пайғамбаримиз алайхиссаломнинг хузурларига борди ва: “Амра бинти Равоҳа ўғил фарзанд туғиб берди. Мен унга “Нўъмон” деб исм қўйдим. Амра то молимдан энг яхшисини ўғлимга ҳадя қилмагунимча болага қарамаслигини айтди. Шунингдек, менга: “Бунга Расулуллоҳ алайхиссаломни гувоҳ қилинг”, деди».

Имом Муслим раҳимаҳуллоҳ ривоятида эса қўйидагичадир: «Онам отамнинг молидан баъзи бир ҳадяларни менга беришини талаб қилди. Отам бу ишни бир йил чўзиб юрди. Кейин берди. Онам: “То бунга Набий алайхиссаломни гувоҳ қилмагунингизча, рози бўлмайман”, деди. Айтади: “Отам мени кўтариб Набий алайхиссаломнинг хузурларига олиб борди...”» Ривоятларга қараганда, ҳадисдаги “ҳадя” хизматкор, яъни кул

бўлгани аёнлашади.

Уламолар ривоятларни жамлаб бундай дейишади: «Амра фақат ўғлига таалуқли бирор нарса бермагунича болага қарашдан бош тортган. Башир Амрага таскин бериш учун ўғлига боғ ҳадя қилмоқчи бўлди. Бу ишни пайсалга солиб, охири беришдан воз кечди. Амра қайта талаб қилди. Башир бир ёки икки йил ўғлига ҳадя беришни чўзиб юрди. Сўнгра боғ ўрнига ғулом совға қилишни истаб қолди. Амра рози бўлди. Фақат Баширнинг бу совғани ҳам қайтариб олишидан қўрқиб, ҳадяни тасдиқлатиш, тағин қайтариб олмаслигини кафолатлаб олиш учун Расулуллоҳ алайхиссаломни гувоҳ қилишни истади. Шунингдек, Баширнинг Пайғамбаримиз алайхиссаломдан ҳадяга гувоҳ бўлишларини сўраши бир марта бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Нўъмон розияллоҳу анҳу гоҳида қиссанинг бир қисмини, гоҳида эса бошқа қисмини ҳикоя қилиб берган. У отасининг барча ривоятларини эшитди, лекин фақат шуниси билан чекланди.

Башир Набий алайхиссаломдан гувоҳликларини сўраганда, у зот алайхиссалом: “**Бу ўғлингдан бошқа яна болаларинг борми?**” деб сўрадилар. Башир: “Ҳа”, деди. Набий алайхиссалом: “**Бошқа фарзандларингга ҳам шу болангга берганинг сингари бердингми?**” деб сўрадилар. У: “Йўқ”, деди. Шунда Пайғамбаримиз алайхиссалом: “**Аллоҳ таолога тақво қилинглар ҳамда фарзандларингиз яхшилик қилишида сизга адолатли бўлишларини истаганингиз каби совға беришида улар ўртасида адолат**

қилинглар”, дедилар».

Имом Аҳмад Шаъбий раҳимаҳуллоҳдан ривоят қиласи: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом Баширга бундай дедилар: **“Болаларингнинг сендағи ҳақи уларнинг орасида адолат қилишингдир. Мени адолатсизликка гувоҳ қилма. Болаларингнинг барчалари бирдай сенга яхшилик қилишларини хоҳламайсанми?”** дедилар. Башир: “Албатта, хоҳлайман”, деди. Набий алайҳиссалом: **“У ҳолда бундай қилма”**, дедилар.

Гарчи қиссада совға ва лафзларда ихтилоф бўлса-да, уларнинг бари бир нарсага, яъни совға улашишда болаларни тенг кўришни талаб қилиш бор».

Уламолар совға улашишда болаларни тенг кўриш ҳукми борасида ихтилоф қилишди. Имом Товус, Саврий, Аҳмад ва Исҳоқ раҳимаҳумулоҳ: “Болаларга совға улашишда тенглик қилиш вожиб”, дейдилар. Моликийлар ҳам шу фикрда. Улардаги машхур қавл шуки, бундай тарзда берилган ҳадя ботилдир. Улар Набий алайҳиссаломнинг: **“Аллоҳ таолога тақво қилинглар ҳамда фарзандларингиз орасида адолат қилинглар”**, деган сўзларини хужжат қилиб, буйруқни вожиб дейишиади. Шунингдек, адолатсизлик ака-ука, опа-сингиллар орасида нафрат уйғотади, бу эса силаи раҳмнинг узилишига олиб келади.

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ: “Болаларнинг бирини бошқасидан ортиқ кўриш



**Миржон Эгамбердиев 1978 йили Бухоро вилояти Шофиркон туманида туғилган.**

**1999 йили Бухоро шаҳридаги “Mir Arab” ўрта маҳсус билим юртини, 2022 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини тамомлаган.**

**2021 йилдан буён Шофиркон тумани бош имом-хатиби ҳамда “Хожа Ориф Ревгарий Моҳитобон” жоме масжиди имом-хатиби лавозимида ишлаб келмоқда.**

мумкин эмас. Фақат шуни оқлайдиган бирор сабаб бўлса, зарари йўқ. Масалан, бола ногирон бўлса ёки шунга ўхшаш сабабга кўра жоиз”, деган.

Жумҳур уламолар, жумладан, ҳанифийлар совға улашишда болаларни тенг кўриш вожиб эмас, балки мустаҳабдир, дейдилар. Отанинг баъзи болаларини ортиқ кўриши макруҳ бўлса-да, жоизdir. Уларни тенг кўриш мустаҳабдир.

Жумҳур уламолар ушбу фикрларига Имом Муслимнинг ривоятидаги Набий алайҳиссаломнинг: **“Бунга мендан бошқани гувоҳ қил”**, деган сўзларини далил қилиб: “Бу ерда гувоҳ келтиришга руҳсат бор. Руҳсат эса ҳаром ишга берилмайди”, дейдилар. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг гувоҳликка ўтишдан бош тортишлари имомликлари учун бўлиши мумкин. Гёё у зот алайҳиссалом: “Мен гувоҳлик бермайман, чунки гувоҳликка ўтиш имомнинг ваколатидаги нарса эмас. Имомнинг вазифаси ҳукм чиқариш”, демоқдалар. Ёки у зот алайҳиссаломнинг гувоҳ бўлмаганлари эҳтиёткорлик туфайли эди. Бундан маълум бўладики, фарзандларга ҳадя беришда баробар кўрмаслик хилофул авлодир (жоиз бир ишнинг хилофини қилиш афзаллиги учун ишлатиладиган истилоҳ).

Жумҳур уламолар совға улашишда болаларни тенг кўриш борасида ихтилоф қилганлари каби отанинг бир ўғлини ақаукаларидан ортиқ қилиб берган совғасини қайтариб олиши ҳукми борасида ҳам ихтилоф қилишди. Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ: «Ҳадяни қайтариб олиши вожиб. Боиси Набий алайҳиссаломнинг: **“Уни қайтар”**, деганлари вожибга далолат қиласи», дейди. Бошқа уламолар Набий алайҳиссаломнинг буйруқларини мустаҳабликка ва ишнинг афзалини баён қилишга йўйишиади.

**Манбалар асосида  
Шофиркон тумани бош имом-хатиби  
Миржон ЭГАМБЕРДИЕВ  
тайёрлади.**



**Бу йил Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташкил этилганига 80 йил тўлди. Шу давр мобайнида идора тизимида кўплаб уламолар, фидойилар фаолият юритшиди. Ана шундай уламолардан бирни Шайх Абдулазиз Мансур ҳазратлари дидир. У киши салкам 50 йил давомида диний соҳада меҳнат қилиб, “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”, “Коран. Краткий комментарий”, “Ахлоқ-одобга доиш ҳадислар”, “Минг бир ҳадис”, “Минг бир фатво”, “Ақоид матнлари”, “Гуноҳи кабиралар”, “Мусулмончиликдан илк сабоқлар”, “Маънавиятнинг етти хазинаси” каби йигирмага яқин китоб таълиф этди. Шунингдек, диний таълим муассасаларида кўплаб шогирдларга устозлик қилди.**

**Шайх Абдулазиз Мансур 1944 йили Олтиариқ туманида деҳқон оиласида туғилган. Отаси оддий деҳқон бўлса-да, уламоларга ихлос-муҳаббати кучли эди. Шу боисдан фарзандларининг илмли бўлишларига катта эътибор берди.**

- Бугунги эришган ютуқларим, илмга бўлган муҳаббатим отамнинг дуолари сабаб,
- дейди сұхбатда шайх ҳазратлари.

## “Барча муфтийлар билан бирга ишладим...”

**– Кишининг бир соҳани танлашига нимадир туртки бўлади. Сизнинг диний соҳага кириб келишингизга, араб, форс ва рус тилларини мукаммал эгаллашингизга нималар туртки бўлган?**

– Дин ва адабиётга қизиқишим 5-синфлик чоғимдан бошланган. Алишер Навоийга бўлган қизиқиш форс, араб тилини ўрганишга унади. 10-синфи битиргунча Навоийнинг кутубхонадаги барча асаларини ўқиб, форс тилини луғатлардан ўргангандим. Араб ва диний билимларни эса олтиариқлик Мухаммадқосимхон қори, қўқонлик Асқар қори домла, риштонлик Мамажон махсум домла, Марғилондаги Ҳакимjon қорилардан олдим.

1975 йили Тошкентдаги Олий маъҳадга ўқишига кириш мақсадида муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохон домланинг олдиларига келдим. У киши: “Нималарни ўқигансиз?” деб сўраб қолди. “Кофия”, “Шофия”, “Шарҳи Мулла Жомий”, “Талхисул Мифтоҳ”, “Мухтасарул маоний”, “Мақомоти Замахшарий”, “Ал-Ҳидоя”, “Мухтасарул виқоя”, “Саҳиҳи Бухорий”, “Тафсири Насафий” каби ўттизга яқин ки-

тобни санаётгандим, у киши: “Тўхтанг, шуларнинг ҳаммасини ўқидингизми?” дедилар. Сўнгра, “Сизни сиртдан ўқишига қабул қиласиз. Ҳам ўқиб, ҳам талабаларга дарс берасиз”, дедилар. Шу тарзда Тошкент ислом институтига сиртдан қабул қилиниб, Бухородаги “Мир Араб” мадрасасида дарс бера бошладим. Бир йилдан сўнг Олий маъҳадга чақиришди. Кейинчалик идора тизимида турли лавозимларда муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобохондан бошлаб то ҳозирги муфтийгача бирга ишлаш насиб этди.

**– Ҳаётингиз саҳифаларида Қуръонга бўлган қизиқишингиз, муҳаббатингиз муҳим ўрин эгалласа керак, тўғрими?**

– Ҳа, албатта. Қуръонга қизиқиш мактабда ўқувчилик чоғларимда бошланган. Афсуски, у пайтларда Қуръонни ўргатадиган инсонларни топиб бўлмас, билганлар ҳам турли тазийклардан кўркиб, шогирдликка ҳеч кимни олмасди. Шундай бўлса-да, Қуръони каримни хатм қилиш насиб этди.

Устоз менинг қори бўлишга иштиёқимни кўриб, “Қори бўлганингиз яхши, лекин сиз



илмга мойил йигитсиз. Илм иштиёқида бўлинг”, дея насиҳат қилди. Аллоҳ менга Қуръони каримни олдин ўзбек тилига, кейинроқ рус тилига таржима қилишни, 50 йил дин йўлида хизмат қилишни насиб этди. Бу мен учун катта шараф.

**– Сўнгги йилларда Исломга қарши турли фитналар кўпайиб, мусулмонларни ёмонотлиқ қилиши ҳолатлари кузатиляпти. Бу иллатлардан қандай сақланиши мумкин?**

– Мусулмонларга турли бўхтонлар, асосиз иғволар Исломнинг ilk даврларидан бўлиб келган ва ҳозир ҳам давом этяпти. Интернет, ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши бу иллатларни янада кучайтириди.

Интернетдан тўғри йўлда фойдалансангиз, ундан яхши манба йўқ. Ўзим ҳам билмаганларимни ундан ўрганаман. Қанчаканча бебаҳо, нодир асарлар бор. Уларни ўқиш керак, холос.

Афсус, бугун бу тармоқларда Ислом таълимотига зид фикрлар кўпайиб кетди. Айрим кимсалар халқимизни чалғитиши мақсадида диндан фойдаланмоқчи бўлжапти. Уларнинг гап-сўзига эътибор берсангиз, бошида яхши сўзлардан гап бошлияди. Вақт ўтиб фитналарга эргаштиради. Гоҳида бундайлар бизга ҳам ғойибона тош отиб қолади. Гапи бўлса, юзма-юз мулоқот қилсин, баҳсга киришсин. Аммо фақат орқадан тош отаверади. Аллоҳ буларга инсоф берсин. Бундайларнинг фитнасига учмаслик учун ўзимизнинг имом-хатиб, уламолар этагини маҳкам тутиш, юртимизда нашр этилаётган диний адабиётларни кўпроқ ўқиш лозим.

**– Орамизда Ислом динини анча тор тушунадиганлар ҳам йўқ эмас. Аслида, Исломнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти қандай?**

– Ислом – мукаммал нозил қилинган сўнгги дин. У инсон ҳаётидаги барча жабхаларни қамраб олади. Шу боис барча масалаларга Исломда ечим бор. Унда ибодат ва дунё ишларини бирдек олиб бориш ҳар бир мўмин учун фарз қилинган.

Гоҳида дунёвий илм, диний илм деб ажратиш ҳолатлари кузатилади. Ислом эса инсонни илмга тарғиб қиласди. Бу борада буюк мутафаккир боболаримизнинг йўллари бизга кўзгу. Улар Исломни мукаммал эгаллагач, дунё тамаддунига асос бўладиган асарлар ёзишди. Улар илмининг моҳиятида Ислом таълимоти борлиги барчага маълум. Орадан минг йиллар ўтса-да, бугун ҳам уларнинг бебаҳо мероси ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Буни ҳам чукурроқ тафаккур қилиш лозим.

Қисқаси, динимиз кишини камолотга, икки дунё саодатига элтади. Шуни яхши англамоқ керак. Бирор ишда дунё ҳой-ҳавасларига берилиб, динни унутсан, қилаётган ишимизда хайр-барака бўлмайди. Ўша юмушни иймону ихлос билан бажарсак, у амалимиз ибодатга айланади.

Айниқса, бугунги ёшларимизга соф Ислом таълимотини пухта сингдиришимиз лозим. Шундагина юртимиздан яна буюк олиму уламолар етишиб чиқади, иншоаллоҳ.

**– Бугун диний адабиётлар кўпайиб, халқимизнинг маърифий билими юксалишига хизмат қиляпти. Аммо имло масаласида ҳар хиллик сезилмоқда: китобларда айрим атама ва исмлар турлича ёзиляпти. Масалан, Ҳадиҷа-Ҳадижә, Али-Алий, рамазон-рамадон, ақида-ақијда, розияллоҳу-разияллоҳу ва ҳоказо. Шу каби сўзларни ёзишда ўзбек тили мезъёрларига амал қилиши керак, деб ўйлаймиз.**

– Албатта, бу ўта нозик ва оғриқли масала. Чунки кейинги пайтда нашриётлар кўпайди. Ҳар бирининг ўзига яраша услуби, тартиб-қоидалари бор. Худди шундай китоб муаллифларида ҳам. Шуниси аниқки, ўз она тилини яхши билган одам хато ёзмайди.

Баъзилар мана шу она тилини яхши билмаганлари учун юқоридаги каби тушунмовчиликлар учраяпти. Улар араб тилида қандай ёзилса, шу тўғри деб ўйляяпти. Ваҳоланки, ҳар бир тилнинг имло қоидалари бор. Унга кўра, четдан бирор сўз ўзлашаётганда уни қандай бўлса шундай эмас, балки шу тилда сўзлашувчилар талаффузидан келиб чиқиб, енгилроқ варианти танланади ва имло лугатларига шу тарзда киритилади.

Битта мисол. Айримлар Куръони каримдаги “карим” сўзини Аллоҳнинг исми деб ўйлаб, катта ҳарф билан ёзяпти. Аслида “карим” сўзи “карамли Куръон”, “мукаррам Куръон” деган маънода келади. Шу боис “карим” сўзи кичкина ёзилади.

**– Жорий йил бошида Диний идора тизимида Фахрийлар кенгаши тузилди. Бугун кенгаши қандай ишларни амалга оширяпти? Қолаверса, ўзингиз ижодкор сифатида қандай асарлар устида ишлайансиз?**

– Аллоҳга шукр, шу ёшда ҳам хайрли ишлар билан банд қилиб қўйди.

Идора тизимида Фахрийлар кенгаши раиси бўлдим. Муфтий ҳазратлари, барака топсин, фахрийлар кенгашини тузиш ҳақидаги ташаббуси кўплаб нуроний имом-хатибларни қувонтирди. Шу кунларда кенгаш диний соҳада ишлаб нафақага чиқкан имом-хатиб ва уламолар ҳолидан хабар олиб, уларга ғамхўрлик кўрсатмоқда. Соғликларини тиклашлари учун соғломлаштириш масканларига юборяпти. Умра, ҳаж йўлланмаларини тақдим этяпти. Шу билан бирга, уларнинг тажриба ва билимларидан унумли фойдаланиш мақсадида соҳага доир турли тадбирларга жалб қилингапти.

Айни дамда унчалик халққа таниш бўлмаган жizzахлик “Маҳзун” тахаллусли шоир ва олимнинг қўлёзма шеърларини эски ўзбек ёзувидан ҳозирги ёзувга ўгирияпман. Шу билан бирга, бир қанча диний китобларни араб тилидан таржима қилиш билан бандман. Аллоҳ насиб этса, буларнинг барчасидан ўқувчиларни тез орада баҳраманд этиш ниятидамиз, иншоаллоҳ.

Бобур МУҲАММАД сұхбатлашиди.

Яқинда диний-маърифий соҳада кўп йиллар фидойилик билан хизмат қилган, фахрий имом, устоз Аҳмаджон домла Бобомуродзодага Турон Фанлар академияси академиги илмий унвони тақдим этилди.

## Фахрий имом Эътирофда

Аҳмаджон домла Бобомуродзода 1946 йили Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. У киши 1971 йили Бухородаги “Мир Араб” мадрасасини, 1975 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини битирган.



Аҳмаджон домла илк фаолиятни 1973 йили пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги “Олмазор” жоме масжида имом-хатиб сифатида бошлаган. 1974–1980 йилларда Тошкент тумани “Кўктерак” жоме масжида, 1980–2006 йилларда Тошкент шаҳридаги “Ислом ота” жоме масжида самарали меҳнат қилган. Бир вақтнинг ўзида 1982–2006 йиллар давомида Тошкент шаҳар Яшнабод ва Миробод туманлари бош имом-хатиби вазифасини ҳам бажариб келган.

Устоз Аҳмаджон домла Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида 30 йилдан ортиқ дарс бериб, кўплаб шогирдларга устозлик қилди.

Шу билан бирга у киши яхши ижодкор ҳам. Бугунгача устознинг йигирмадан ошиқ диний-маърифий китоблари ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган. Булар орасида “Камолот сари”, “Ислом одоби”, “Илоҳий тақсимот” (мерос тақсимоти ҳақида), “Ислом одоби ва ахлоқи”, “Нажот йўли”, “Эътиқод мусаффолиги йўлида” каби китоблари халқимиз томонидан кўп бор мутолаа қилиниб, бир неча қайта нашр этилган.

Айни кунда Аҳмаджон домла Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фахрий кенгаши аъзосидир.

# Жионга урилган насиҳат

**Москва халқаро аэропорти. Самолётлар шунқордек парвозга шай. Олис юртлардан келган учоқлар биринкетин қўнмоқда.**

Кутиш залида тумонат одам. Кимдир кўлида паспорт билан бетоқат бўлиб навбат кутмоқда, яна кимдир чамадонини олишга ошиқмоқда. Кимдир телефон титкиласа, яна кимдир мириқиб китоб мутолаа қилмоқда.

Ўриндиқларнинг бирида ўтирган йигит атрофга олазарак қараб қўйди. Кўл телефони уч-тўрт маротаба қайта-қайта жириングлади. Ҳар сафар “Дадам” деган ёзув чиқарди. Лекин у жавоб бермади.

Йигитнинг онги заҳарланиб, Суряя сафарини мўлжаллаган эди. Йигит хаёлан осмону фалақда уча бошлади.

Эҳ, текин пишлок фақат тузоқда, қопконда бўлишини бу йигит билармикин?

Телефони қисқа жириングлади. Йигит “смс”ни очди, унда бундай сатрлар ёзилганди:

“Ўғлим, икки ойдирки хорижга ишилганни бораман, деб ҳоли жонимга қўймадинг. Сенга рад жавобини бердим. Кече пешиндан сўнг бироз мизғиб олиш учун хонага киргандим. Сўнг сени сўрасам, шу атрофда дейшиди, лекин тополмадик. Биламан, ҳозизир сафардасан. Охирги пайтларда сўзлариндан фақат жаҳолат уфуриб турарди, қўзларингда ёвузликни сезардим.

Ўғлим, огоҳ бўл! Ортингга, Ватанга қайт! Сени ота-онанг, укаларинг, сингилларинг, жигарларинг кутмоқда. Айниқса, кенжса синглинг Фотима сени кечадан бери сўрайди.

Ўғлим! Туғилганингда бир парча эт эдинг. Онанг иккаламиз қанчалик қувонганимизни биласанми?

Ўғлим... ёшлигингда “велик” оберинг деб хархаша қилдинг, она қўйни сотиб “велик” харид қилганимизда, қанчалик хурсанд бўлганинг эсингдами?

Футбол ўйнагани янги “бутси” кийганингда, қувончингга шерик бўлганимни сезганмидинг?

Ўғлим, қалбимда оталик меҳри жўши урятти. Мен айтяпман, синглинг телефонга ёзяпти, онангнинг кўзлари жиққа ёшига тўлган”.

Йигит “смс”ни ўқиркан, қалбида болалик меҳри жўш ура бошлади. Юрагида ниш ура бошлаган қабоҳат, разолат ўрнини эзгулик, силаи раҳм хис-туйғулари эгаллай бошлади.

«Ўғлим! Огоҳ бўл!

Авлодимиздан хоин чиқмаган.

Ўғлим! Огоҳ бўл! Термилган кўзлар ортида минглаб ҳийлалар яширинган, табассумлар ортига шайтоний тузоқлар қўйилган, “дур” мисол ёқимли сўзлар ортида қармоқлар бор».

Йигит “смс”ни ўқиган сайин қайноқ юрагида раҳм-шавқат тўлқинлари уйғона бошлади.

Йигит бошини мағрур кўтарди, қўлидаги “Москва – Дамашқ” йўналишидаги чиптани фижимлади, кўзларида нур ва шукроналик учқунлари порлади ва беихтиёр чиптани йиртиб улоқтирди.

Бу вақтда кутиш фойесини меҳр билан артаётган фаррош аёл йигитга яқинлашаркан, ҳайрону лол бўлиб:

– Ну что, парень, что случилось?

Йигит фаррош аёлга самимий боқаркан:

– Спасибо, папе. Большая ошибка предотвращена, – деди ва ўрнидан туриб, шахдам қадамлар билан “касса” сари йўналди.

Фаррош аёл серрайиб, лабини буаркан:

– Ну-у парень, ну-у парень... – дея олди холос.

Йигитнинг чипта олиши осон кечди. “Москва – Тошкент” йўналишидаги чиптани оларкан, қалбида вулқондек отилиб келаётган хис-туйғулари тилига кўчди:

– Раҳмат, отажон, менинг халоскорим, катта хатонинг олди олинди, мени золимлар ва ўлим чангалидан қутқариб қолдингиз.

Йигит ойна ортида юаркан, порлаб турган кўзлари қўниш майдончасидан Ўзбекистон учогини излай бошлади...

**Тоҳиржон ТУНГАТОВ,**  
Чиноз тумани “Ҳазрат Али” жоме  
масжиди имом-хатиби

Ассалому алайкум ва  
раҳматуллоҳи ва  
баракотуҳ.

# СҮРАГАН

ЭДИНГИЗ...



**САВОЛ:** *Машина олмоқчиман, лекин пулум етмайди. Менга бошқа одам вариантга 30 фоиз устама билан машина олиб бермоқчи. Шуни олсам, тўғри бўладими?*

**ЖАВОБ:** Агар бир киши машинани ўзига сотиб олиб ва қўлига олгандан кейин сизга уни олган нархидаги ёки устига фойда қўйиб муайян муддат белгилаб насияга сотса, жоиз. Бу савдода машина нархи келишилгандан сўнг тарафлар келишса, тўловни бўлиб-бўлиб бериш ёки муддатнинг охирида бирдан тўлаш мумкин. Лекин тўлов ўз вақтида бўлмаса, қўшимча пул кўшиб беришни шарт қиласлик лозим. Бу рибо ҳисобланади.

**САВОЛ:** *Мушук савдоси жоизми?*

**ЖАВОБ:** Мушук савдоси жоиз. Чунки у билан сичқон ва зарарли ҳашаротлар зааридан сақланилади. Мушукдан шу орқали фойдаланиш мумкин (“Фатҳул қодир”).

**САВОЛ:** *Бемор кишига эҳсон пули берилса, у ўша пулларни ўзи ейдиган озиқ-овқатига ёки кийим-кечагига ишилатса бўладими? Эҳсон қилган одамнинг эҳсони қабул бўладими ёки фақат дори-дармон, касалхонасига ишилатиш керакми?*

**ЖАВОБ:** Эҳсон қилинган пуллар эҳсонни олган одамнинг мулки-

га айланади ва уни ўзи хоҳлагандай тасарруф қилиш мумкин бўлади. Эҳсонни қабул бўлиши эса ихлос, мухабbat ва айни ҳақдорга (яъни ўз ўрнига) қилинишига боғлик.

**САВОЛ:** *Бозорда ўн бешта бир қатор жойлашган дўконда мато сотамиз. Қаторнинг бошидаги биринчи дўкон эгаси кейинги 14 та дўконни ёмонлаб, алдаб савдо қилади. Инсонларни ёмонотлиқ-қа чиқаряпти. Биз у инсонни дўконидан ижара ҳақини тиклаб дўконидан чиқариб юборсак, гуноҳга ботмаймизми?*

**ЖАВОБ:** Сиз айтган ҳолатнинг тўғри очими шуки, 1-дўкон эгасига тушунтириш ишлари олиб бориш, ёлғон, бўхтон ҳаром экани ва бу орқали топилган даромад ҳам ҳалол бўлмаслигини айтиш керак. Агар шунда ҳам бу ишидан қайтмаса, бозор маъмуриятига (далил-исботлар билан) мурожаат қилиб вазиятни баён қилиб муммони ҳал қилиш керак бўлади.

**САВОЛ:** *Мевали боғларни ҳали меваси пишиб етилмасидан олдин сотиб олиши жоизми?*

**ЖАВОБ:** “Ҳали пишиб етилмаган ёки энди пишган меваларнинг савдоси дуруст. Фақат уни сотиб олган ҳаридор пишган меваларни дарҳол узиб олиши вожиб. Сотиб олинган меваларни дарахтида қолдиришни шарт қилиш (ма-

салан, “пишганидан кейин шунча муддат туриб туради”, дейиш) савдони фосид қилади” (“Мухтасарул викоя”). Агар шарт қилинмаган бўлса, савдо битгач, харидор меваларни дараҳт устида туришини илтимос қилса ва сотувчи ўз ихтиёри билан бунга рози бўлса, жоиз.

Боғидаги меваларнинг ҳаммасини сотган киши харидорнинг рухсатисиз ундан ея олмайди.

**САВОЛ:** 1) *Ғул қилаётгандан мабодо ел келса, ғулни қайта бошлиши керакми ёки давом этиши керакми? 2) Ғул қилаётгандан терида йирингли тошма ёки яра жойлардан қон оқса, ғул бўладими?*

**ЖАВОБ:** Ғул қилиш асносида таҳоратни бузувчи амаллар содир бўлса, ғулни қайта қилиш вожиб бўлмайди ва ғуслдан кейин бошқа таҳорат қилиб олиш кифоя.

**САВОЛ:** *Икки ойлик ҳомиладорман. Камқонман. Боламни олдирсан бўладими?*

**ЖАВОБ:** Шариатимиз болани олдиришдан қаттиқ қайтарган. Жиддий сабаб бўлмаса, ҳеч қачон болани олдириш жоиз эмас (ҳатто туғилажак болада нуқсон, ногиронлик бўлган тақдирда ҳам). Айниқса, болага жон киргандан (тўрт ойлик бўлгандан) кейин уни олдириш катта гуноҳдир.

Қачонки туғиши ёки ҳомиладорлик она нинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказадиган бўлса, уни олдиришга рухсат берилади. Демак, сиз ҳам шифокор (диёнатли, гуноҳ, савоб нима экани ва жавобгарликни ҳис қиладиган) билан маслаҳатлашиб иш тутишингиз тавсия қилинади. Камқонликнинг давоси бор.

**САВОЛ:** *Мен 20 йил аввал болалар боғчасида ошпаз бўлиб ишилаганман. Ўша вақтларда боғчадан озиқ-овқат олиб келиб оиласига едирганман. Шу қилган гуноҳимни тўғрилаши учун қандай йўл тутсам бўлади?*

**ЖАВОБ:** Болалар боғчаларига ажратилган маҳсулотларнинг барчаси боғчада тарбияланашётган болаларнинг хаққидир. Аммо ўша муассасадаги ходимларга ҳам ундан истеъмол қилишга маъмуряят тарафдан рухсат берилган бўлса, рухсат берилган миқдорча истеъмол қилиш жоиз, ундан ортиғи жоиз эмас. Чунки ўзгалар молини розилигисиз ейиш, ўзлаштириш ҳалол эмас. Бироқ билиб-бilmасдан ундан истеъмол қилинган ёки ўзлаштирилган бўлса, албатта унинг ўзини ёки қийматини қайтариш керак бўлади.

Саволда сўралган ҳолатда ҳам оила учун олиб келинган озиқ-овқат маҳсулотларини миқдорини имкон қадар аниқ эслаб, айни шу маҳсулотнинг ўзини ёки бугунги кундаги қийматини ўша боғчага қайтариш керак бўлади.

**САВОЛ:** *Ҳар биримиз дуо қилганимиздан сўнг қўлларимизни юзимизга сурнимиз. Нима учун шундай қилинади?*

**ЖАВОБ:** Дуода қўлларни ичи билан дуо қилиш, сўнгра юзга суриш ҳадиси шарифларда баён этилган. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳдан кафтариғизнинг ичи билан сўранглар, сирти билан сўраманглар. Қачон фориғ бўлсангиз, уларни юзингизга суринг”, дедилар» (Имом Абу Довуд ривояи).

**САВОЛ:** *Намоз ўқийдиган кийимда, яни тиззанинг устида озроқ тешик жой бор экан. Шу кийим билан намоз ўқиса бўладими?*

**ЖАВОБ:** Модомики, аврат аъзоларнинг тўртдан бири очилмаса, намози дуруст бўлади. Кийимдаги кичик йиртиқни намоздан аввал билиб қолса, у ерни тикиб кўйиш керак. Намоздан кейин билиб қолса, намози дуруст бўлади, уни қайта ўқимайди.

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Фатво маркази  
(78) 150-33-44*



# Динимиз маломатдан құрқаслика буюради...

Мусулмонлар Байтул Мақдисни фатх этгач, у ер ахолиси Муоз ибн Жабал розияллоху анху атрофида түпленди. Одамлар саҳобадан Ислом дини ҳақида сүраб-билишарди.

Одамлар орасыда Хайва исмли киши бўлиб, у Байсан юртидан Қуддусга янги дин ҳақида сўраб-билиш учун келганди. Хайва бундай сўз бошлади:

– Муоз, бизга айт-чи, нима учун мўминлар амири Умар ибн Хаттоб Қуддус фатхи муносабати билан шахсан ўзи ташриф буюрди? Ахир, бундан олдин сизлар Миср, Шом ва Ироқ каби юртларни фатх қилдингиз. Лекин халифа у ўлкаларга бормади.

– Бу ер муқаддасдир. Аллоҳ таоло уни пайғамбарларига инъом этди. Биз эса охирзамон Набийсига эргашамиз. У зот алайҳиссалом муқаддас деб билган ҳар бир нарсани биз ҳам муқаддас деб биламиз.

– Оламдан ўтганига қарамасдан Пайғамбарингизга шу даражада эргашасизми?!

– Мўминлар амири хутбасида нима деганини эшитмадингми? У киши: “Биз Аллоҳ Ислом билан азиз қилган қавммиз. Агар иззатни Исломдан бошқа нарсадан қидирсак, Аллоҳ бизни хор қиласи”.

– Лекин амирларингиз черковда намоз ўқишидан бош тортди-ку?!

– У ер мусулмонларнинг масжидига айланыб қолмаслиги учун амиримиз шундай қилди.

– У ҳолда нима мақсадда бу ерга келдингиз?

– Одамларга дин танлаш ихтиёрини бериш учун. Бундан олдин улар румликларнинг динини қабул қилишга мажбурланган әдилар.

\* \* \*

Ислом ва мусулмонлардаги олийжанобликни кўриб, Хайва мусулмон бўлди. Ўғлининг Ислом таълимини олиб вояга етиши учун саъй-ҳаракат қиласи. У фарзандига бундай насиҳат қиласи:

– Биласанми, Ражо, инсон дунёда нимага эришади? Вақт, соғлик ва мол-мулк. Киши

мол-дунё топиши учун соғлиги ва вақтини сарфлайди. Молни тўплагач эса, вақти ва соғлигининг катта қисмини йўқотган бўлади. Ўғлим, сен ҳеч қачон вақтингни беҳуда сарфлама.


Хайва ўғлига усуул фикҳ, тафсир, ҳадис ва меъморчилик илмини ўргатишга киришди.

\* \* \*

Ражо фикҳ ва меъморчилик илмida катта натижаларга эришди. Басра ва Ҳижоз уламолари билан дўстлик алоқалари мустаҳкамланди.

Кунларнинг бирида умавийлар халифаси Малик ибн Марвон мухим иш юзасидан уни хузурига чақириб, бундай деди: “Ўғлим, Маслама румликларга қарши курашда кўрсатган қаҳрамонлигинг ҳақида сўзлаб берди. Сен бош вазир мақомига лойиқсан. Ўзинг катта олимсан. Одамлар сени яхши кўриб, эргашади. Бундан ташқари, меъморсан. Шу боис доимо маслаҳатингга муҳтожман. Ислом олимдан кўра, вазирга кўпроқ муҳтож. Таклиф ҳақида ўйлаб кўр”.

Қанчадан-қанча уламолар “султоннинг уламоси” деган номдан қочиб, қозиликка рози бўлмадилар. Лекин Ражонинг бу борада ўз фикри бор эди: “Одамлар учун амал қилиш риё, улар учун амалдан тўхташ ҳам риё. Диним менга ҳақ йўлда маломатчи-ларнинг маломатидан қўрқаслигим кераклигини ўргатган. Аллоҳ мен билан. Тез



орада У мени барча яхшиликларга мұяссар қиласы”.

### ХАЛИФА ҲУЗУРИДА

– Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг асҳобларини афв этишимни истамоқдамисан? Ахир улар бизга қарши жангда Абдуллоҳға ёрдам бердилар-ку!

– Ҳажжож ибн Юсуф Абдуллоҳни, у билан бирга күплаб мусулмонларни ҳалок этди. Бу одамлар қалбидә адоватни пайдо қилиб, улар орасида фитна ёйилди. Агар сиз Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг асҳобларини афв этсангиз, халқнинг сизга меҳри ошади. Бу ишиңгиз билан фитна оловини ўчирган бўласиз. Сизга Набий алайҳиссаломнинг: “Дунёнинг завол топиши бир мусулмоннинг қатл этилишидан енгилроқдир”, деган ҳадисларини эслатмоқчиман. Хожам, ўтган сафар тўкилган қонларни ювишда ёрдам берсангиз. Аллоҳга қасам, бош вазирлик мансабини фақат шу мақсадда қабул қилганман.

– Айтганингдек бўлади. Бугундан бирор мусулмоннинг қони тўкилмаслигига буюраман. Фақат сенинг қароринг билан жазо берилади.

\*\*\*

Кўпчилик, хусусан, уламо дўстлари Ражонинг вазир бўлганини маъқулламагани унинг кўнглини хира қилганди. Бундан олдин ҳам халифанинг ўта исрофчи экани уни кўпроқ ташвишга соларди. Халифа давлат маблағининг кўп қисмини қасрлар қуришга сарфларди.

Ражо халифанинг насиҳатни тўғридан-тўғри қабул қилмаслигини биларди. Шу сабаб унинг назаридан қолиш, ишончидан чиқишини истамасди. Халифага мусулмонларга хизмат қиладиган лойиҳани таклиф қилди. Яъни, Байтул Мақдиснинг фатҳ этилганига эллик йил тўлгани муносабати билан Масжидул Ақсода Қуббатус Сахро қуриш таклифини киритди. Ушбу лойиҳа одамларга манфаат келтириши билан бирга жуда гўзал меъморий асар бўлишини таъкидлади.

Халифага лойиҳа маъқул келди. Ражо ибн Хайвага Қуббатус Сахрони соғ олтиндан барпо этишни буюрди. Кейин Миср аҳлининг закотларини ушбу лойиҳага сарфлашини тайинлади.

Аллоҳнинг фазли билан етти йилда Қуббатус Сахро қуриб битказилди. Ушбу масканга одамларнинг қизиқиши янада ортди. Бино қуриб битказилгач, беш юз минг дирҳам халифа томонидан Ражо ибн Хайвага мукофот тарзида тортиқ этилди. Лекин Ражо маблағнинг фақирларга тарқатилишини талаб қилди.

\*\*\*

Абдулмалик ибн Марвон вафот этгач, Ражо бош вазир мақомида Валид ибн Абдулмалиқ, сўнгра Сулаймон ибн Абдулмалик халифалигида давом эттиреди. Сулаймон ибн Абдулмаликнинг вафоти яқинлашгач, у халифаликни ўғилларига васият қилди. Лекин болалари у вақтда ҳали гўдак эди. Ражо бу васиятдан бирор нарса чиқмаслигини билди. Шу боис ақлзаковатини ишга солиб, жажжи болаларга ўзларига анча катта келадиган халифалик либосини кийдирди ва шу ҳолларида оталарининг ҳузурига киритди. Болалар ёш, кийимлари катталигидан унга ўралашиб туришарди. Халифанинг кўз ўнгидаги ҳам кулгили, ҳам ачинарли манзара пайдо бўлди. Шунда Ражо: “Мавлоим, тамагирлар ҳукмдорликни қўлга киритиш учун уларни ўлдириб юборишлари мумкин. Бундан кўра, болаларга оталик қиладиган, шу билан бирга, уларни ўлим ёки асирилдан ҳимоя қилувчи кишини халифа этиб тайинлаш лозим”, деди ва бу мансабга амакисининг ўғли Умар ибн Абдулазизни таклиф қилди.

Халифа номзодни маъқул кўрди. Аллоҳ ва расулининг розилигига сабаб бўладиган ишни кечиктирмай, ўша куннинг ўзидаёқ охирига етказди. Умар ибн Абдулазизни халифа этиб тайинлади.

Ражо Умар ибн Абдулазизнинг халифалиги даврида ҳам бош вазир лавозимида ишлади. Умар ибн Абдулазиз адолат ва яхшилик билан эришган барча ютуқда Ражонинг хизмати катта бўлди.

Умар ибн Абдулазиз вафотидан кейин Ражо уйидан чиқмади. Халифа унга нафақат раҳбар, балки чин дўст, энг яқин киши эди.

*Манбалар асосида  
Юлдуз КОМИЛОВА тайёрлади.*



# Мўъжиза масаласи

**Мўъжиза – пайғамбарликни инкор қилувчиларга унинг Аллоҳдан эканини тасдиқлаш учун набийлар ва расулларга бериладиган фавқулодда содир бўладиган иш. Аллоҳнинг ҳамма набийлари ва расуллари мўъжиза кўрсатишган.**

Пайғамбарлар мўъжиза кўрсатганида кўпчилик инсонлар иймон келтиришган, бироқ шунда ҳам қайсар коғирлар бўйин эгишмаган (масалан: *Юнус сураси 75–76-оятлар, Исро сураси 59-оят, Тур сураси 44-оятлар*).

Мусулмон уламолари мўъжизанинг аҳамияти борасида бир қарорга келишган ва қўйидаги жиҳатларни белгилашган:

- пайғамбарларга вахий келиши, илхомланиш ёки Юсуф алайҳиссалом каби яхши туш кўришининг ўзи аслида мўъжизадир. Чунки унда банда ва Аллоҳ орасида боғланиш зоҳир бўлади;

- пайғамбарлар инсонларга хос хислатлар ва имкониятларга эга бўлгани ҳолда кўрсатган мўъжизалари (масалан, Ойнинг иккига бўлиниши) инсон тасавуридаги одатий табиий қонуниятларни бузиб юборади;

- мўъжиза пайғамбарнинг ёлғончи эмаслигини исботлайди.

Мўъжизанинг ҳақиқийлигини аниқлаш бўйича илоҳий манбалардан келиб чиқа-

диган бир неча талаблар шакланган:

- 1) одатдаги сабаб-оқибат боғланишларга мос бўлмаслиги;
- 2) ғайриоддий бўлиши, илгаригиларига ўхшамаслиги;
- 3) пайғамбарларнинг дуоси билан содир бўлиши;
- 4) бошқаларнинг аралашувисиз кўрсатилиши;
- 5) пайғамбар айттаётган гапларга зид бўлмаслиги, балки уни тасдиқлаши.

Имом Мотуридий вахийнинг бир нечта маънолари бор, дейди. Шу каби маънолардан бири нубувват ва Аллоҳдан пайғамбарларга фаришта воситасида рисолатнинг етказилишидир. Қуръони каримнинг Шўро сураси 51-ояти, Марям сураси 11-ояти, Наҳъл сураси 68-ояти, Анъом сураси 112-ояти каримлари бунга далиллар.

Доктор Али Абдул Фаттоҳ Мағрибийнинг “Аҳли сунна вал жамоа имоми Абу Мансур Мотуридий ва унинг Каломга оид қараашлари” асари биринчи қисми (Нубувват боби)да ёзади: “Мотуридий мўъжизани Аллоҳнинг пайғамбарлари сўзларининг ростлигига далиллар, деб қарайди ва у инсонлар Аллоҳдан келган буйруқни инкор этганларида юзага чиқарилади. Мўъжизани Аллоҳ таоло пайғамбарлари воситасида амалга оширади”, деган.

Имом Мотуридий Бақара сурасининг “Аманар расулу” деб бошланувчи 285–286-ояти карималари маънолари таъвилида қуйидаги фикрларни баён қилади:

1. “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нозил қилингандарнинг Аллоҳдан эканига иймон келтирди.


2. Набий алайхиссалом Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қазою қадарга, яхшилик ёмонлик Аллоҳдан эканига иймон келтирди ва барча мусулмонлар ҳам буларга иймон келтирдилар.

Бу ояти карима Расулуллоҳнинг барча пайғамбарларга ва ҳамма самовий китобларга, фаришталарга, қиёматга, жаннат ва дўзахнинг борлигига иймон келтирганлари далолатидир”.

Таъкидлаш жоиз, инсоннинг Аллоҳ таолога, фаришталарига, китобларига, анбиёларига, қиёматга, жаннат ва дўзах борлигига иймон келтириши пайғамбарларга юборилган мўъжизаларнинг Аллоҳдан эканига ҳам иймон келтиришини англатади.

## БАРМОҚЛАР ОРАСИДАН СУВ ЧИҚИШИ

*Анас розияллоҳу анҳу ривоят қиласи: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни аср намозига озгина вақт қолганда учратдим. Одамлар таҳорат олиш учун сув тополмай зир югуриб юришарди. Расулуллоҳ таҳорат олинидиган бир идишни олиб келиб, ичига қўлларини тиққан эдилар, бармоқлари орасидан сув қайнаб чиқа бошлиди. Таҳоратга шу сувдан олишини буюрдилар. Одамлар бирин-кетин келиб, идишларини тўлдириб кетаверишиди», деб ҳикоя қилади. Үндан таҳорат олганларнинг сони қанчалиги сўралганда: «Уч юзга яқин одам эди», деб жавоб берган».*



Хулоса ўрнида, ғарб олимларининг пайғамбарлик ва башоратчилик фено-менларига муносабатлари билан мусулмон уламоларининг бу масалаларга нисбатан қарашлари моҳиятан фарқланади. Ғарб олимлари мўъжиза, илҳомланиш, туш кўриш, башорат қилиш, олдиндан кўра олиш каби гайриоддий ҳодисаларни илмий асослашга уринадилар. Аслида илоҳий ҳодисаларни илм тили билан шарҳлаш ёки тушуниш мушкул.

Мусулмон олимлари ва умуман иймон келтирганлар инсон қўзи билан кўра олмайдиган илоҳий синоатларга қалбан иймон келтирадилар ва Аллоҳнинг улухияти ва раббонияти масалаларида шаккоклик қилишмайди. Ҳар неники инсон ақлий фаолияти воситасида англаб олиш мумкин бўлмаса, у воқеликка қалбий ва руҳий жиҳатларига кўра иқор бўлишади, шундайлигича қабул қилишади.

Мусулмон умматининг Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, анбиёларига, тақдирга, қиёматга, тарози борлигига, жаннат ва дўзахга, барча яхшилик ва ёмонликлар Аллоҳдан эканига иймон келтириши мантиқий равишда пайғамбарлар кўрсатган мўъжизалар ҳам Аллоҳдан юборилишига иймон келтиришини англатади. Шу жиҳатдан ваҳийга, мўъжизалар ва кароматларга муносабат билдиригандан Ислом ва иймон нуқтаи назаридан ёндашув ақидада адашишдан асрайдиган бош омил, деб қаралади. Бу масалага ижобий муносабатда бўлиш эса ажоддодларимизнинг диний ва ақидавий қарашларига эҳтиром кўрсатишни ва уларга амал қилиб давом эттиришни англатади.

**Азимжон ФОФУРОВ,**  
Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси  
маркази катта илмий ҳодими



## АЗОН БАРАЛЛА ЯНГРАЙДИ

Нью-Йорк мэри Эрик Адамс Рамазон ойи, жума ва шом намозларида ташқи овоз ку чайтиргичлар орқали аzon айтишга рухсат берувчи фармойишни имзолади.

Фармойиш Нью-Йорк шахридаги масжидларга дахлдор ҳисобланади. Бу ҳақда “ал-Жазира” нашри хабар бермоқда.

Шаҳар мэри эндиликда жума ва шом намозига аzonни ҳеч қандай тўсиқсиз айтиш мумкинлигини таъкидлади.



## ҚОИДАЛАР ЎЗГАРДИ

Саудия Арабистони зиёратчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида муқаддас жойларга бориш қоидалариға ўзгариш киритди.

Эндиликда Пайғамбаримиз масжиди худуга ҳар қандай юкларни, ҳатто қўл учун енгил бўлган буюмларни ҳам олиб кириш мумкин эмас.

Янги тартибга кўра, зиёратчилар кичик сумкаларни масжид ташқарисидаги омборхоналарга қолдиришлари керак бўлади, деб ёзади IslamNews GulfNews.



## ВИЗАСИЗ САЁҲАТЛАР

Россия бир қатор мусулмон давлатлари билан туристик визалардан бутунлай воз кечишига тайёрлигини маълум қилиди, деб ёзади “РИА Новости”.

Иқтисодий ривожланиш вазири Максим Решетников сўзларига кўра, бу ма-сала Малайзия ва Форс кўрфази давлатлари – Саудия Арабистони, Баҳрайн, Кувайт ва Уммон билан муҳокама қилинмоқда.



## НОЧОРЛАРГА БЕПУЛ ТАОМ

Суриялик эр-хотин Холид ва Далал ўн йил олдин Англияга ҳеч вақосиз келишган эди.

Холид оилани бутлаш учун бор ишга қўл урди. Пул йиғиб, кўчма ошхона билан жиҳозланган микроавтобус сотиб олди. Ҳозирда унда Сурия миллий таомларини тайёрляяпти.

Уларнинг тамаддиҳонаси кичик, даромади ҳам кам бўлишига қарамасдан, эр хотин ишсиз, ночор, уйсизларга бепул таом тарқатади.

“Биз оч қолиш нима эканини яхши биламиз ва ҳеч ким буни бошдан кечиришини истамаймиз”, дейди Холид.

## МИЛАНДА ИЛК МАСЖИД

Миланлик мусулмонлар жамоаси 1928 йилда қурилган тарихий иншоотни олиб, масжидга айлантириди.

Мазкур бино бир пайтлар тугма ишлаб чиқарувчи завод ва ўқув маркази бўлган. 1999 йилдан у ташлаб қўйилган эди.

Милан маъмурияти мусулмонлар жамоаси ёрдамида тарихий бинони тиклашга қарор қилиди. Улар мусулмонларга масжид очиш таклифини билдиришди. Миланда бирорта масжид йўқлиги боис мусулмонлар жамоаси ҳеч иккilanmasdan рози бўлди.

Шу кунгача бинода бир гурӯҳ муҳожирлар, кам маошли ишчилар, ўнлаб уйсизлар истиқомат қилган. Масжид очилгач, улар бошқа бинога кўчишди.

*Интернет маълумотлари асосида  
НУРМУҲАММАД тайёрлади.*

# Авлиёлар борми?!

Подшоҳ вазирини чақириб сўради:

– Вазири аъзам, юртимизда авлиёлар –

Аллоҳнинг дўстлари борми?

– Подшоҳи олам, ватанимиз авлиёлар мас-  
кани саналади.

– Ундан бўлса, бир нечасини зиёрат қилсак!

– Қиёфамизни ўзгартириб, шаҳар кезамиз,  
шундайми?

Подшоҳ ва вазир одми кийиниб, йўлга туш-  
дилар. Бозорга боргач, бир газлама дўконига  
киришди. Дўкон эгаси уларни хурмат билан  
кутиб олди. Уларга илтифот кўрсатди:

– Хуш келибсиз.

Вазир:

– Бироз мато лозим бўлиб қолди, – дея, буни  
тушир, бунисини ҳам, дея ярмидан кўп мато-  
ларни туширирди. Кейин бундан бир метр,  
бунисидан ярим метр, дея бир нечасини  
кестирди.

Газламафуруш эса:

– Аллоҳим, қандай гўзал қулларинг бор,  
Ўзингга шукрлар бўлсин, – деб матоларни  
кесар, тахларди. Уларни бир халтага жойлаб,  
нархини бир қофозга ёзиб, вазирга узатди.

Бу гал вазир:

– Айбга буюрмайсиз, мато олиш фикридан  
кайтдик. Чунки газламалар ёқмади.

Газлама сотувчи сокинлик билан:

– Майли, Аллоҳнинг қандай гўзал бандалари  
бор, – деркан матоларни бир четга қўйди.

Вазир ва подшоҳ дўкондан чиқиб, шаҳарга  
боришиди. У ерда тарвуз сотаётган сотувчини  
кўришиди.

Шунда вазир подшоҳга:

– Шоҳим, энди бу одамдан тарвуз харид  
қиласиз. Аммо дарҳол сотиб олманг, униси-  
ни, бунисини кўринг, айини топинг, молни  
ёқтиргандинек кўрсатинг, – деди.

Подшоҳ вазири айтганидек харидга ки-  
ришиди. Бирини ушлаб, бирини қўйиб, тарвуз  
танлашни бошлиди. Бир тарвузни уриб кўрди,  
бошқасини эзди.

Тарвуз сотувчи муштариylарни дикқат  
билан кузатди. Қараса, уларнинг ушлаб

кўрмаган тарвузи қолмади. Шунда қўлидаги  
таёгини кўрсатиб, деди:

– Менга кара, олсанг, биттасини ол! Тар-  
вузларни эзib, захалама! Мени газлама сотув-  
чикек деб ўйлама. Подшоҳ бўлсанг ўзингга,  
бошингга тушириб қолмай тағин!

Подшоҳ:

– Жим бўл, бизни фош этиб қўйма! – деб  
шошиб битта тарвузни олиб, пулинин тўлади  
ва тезда у ердан кетди.

Вазир:

– Энди бошқа жойга борайлик, у ерда  
бундан-да Аллоҳга яқинроқ дўстларини сизга  
таништирай...

Подшоҳ деди:

– Бўлди, етади вазир. Тарвузчию газлама-  
чиси авлиё бўлган жойда, ким билади, яна  
қандай авлиёлар бор?! Энди газламачининг  
пулинин тўлайлик, заарга кирмасин!

Газлама дўконига кириб, салом беришиди.

Газлама сотувчи аввалгидек мулойимлик  
 билан уларни қаршилаб, саломларига алик  
олди:

– Марҳамат, Аллоҳнинг қандай гўзал қул-  
лари бор, марҳамат қилинг!

– Биз қароримизни ўзгартирдик, кестирган  
матоларимизни оладиган бўлдик, – деб мато-  
ларнинг пулинин тўлади.

Улар дўкондан чиқишаётганда сотувчи  
шукrona келтириди:

– Аллоҳ, Ўзингга ҳамдлар бўлсин! Бугун  
дўконимга икки марта подшоҳни юбординг!

Подшоҳ бу ҳолдан шошиб қолиб, вази-  
ридан сўради:

– Вазир, англадим, иккала зот ҳам авлиё.  
Аммо қайси бири устун?!

Ақлли вазир бундай жавоб қайтарди:

– Подшоҳим, қай бири устун эканини бил-  
майман. Аммо гап тушунмайдиганга тарвуз-  
чи, гап тушунадиганларга эса, газламачи каби  
авлиё учрагани яхши.

**Нигора МИРЗАЕВА**  
*тайёрлади.*



## Дабдаба деб қарзга ботиш жабр-ку!

**Оила аъзоларимиз билан анча ийлдан буён “Хидоят” журналиниг ҳар бир сонини интиқлик билан кутиб, катта қизиқиш билан ўқиб борамиз. Унда чоп этилган мақолаларни оила даврасида мулоҳаза қиласиз.**

**Ж**урналнинг 2023 йил 5-сонида тўйларимиз ҳақида: “Жонини берса беради, лекин...” деган долзарб ва ажойиб мақола чоп этилибди. Мақолани ўқиб, баъзи фикрларим билан ўртоқлашишни лозим топдим.

Ҳозирги кунда тўйларимиз кимўзарга бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Имкони борни-ку, тушунса бўлар, аммо топиш-тутиши ўртамиёна ёки ночорроқ оилалар ҳам имкони бўлса-бўлмаса қарзга ботиб, дабдабали тўй ўтказаётганига нима дейсиз? Бунинг оқибатида оғир аҳволга тушиб қолаётганлар ҳам кам эмас. Наҳот тўйларимизни қисқартиришнинг иложи бўлмаса? Бунинг имкони бор. Фақат ўзимиз хоҳласак бўлгани.

Яқинда тўй қилиб, икки фарзандимни уйлантирдим. Ҳар иккала қуда томон билан унаштирув маросими (биз томонларда “нон синдириш” дейилади)дан олдин, тўйни ихчам, исрофгарчиликлариз

ўтказишимни ният қилганимни айтдим. Кудалар ҳам рози бўлгач, нон синдириб, тўй кунини белгиладик. Тўйдан олдинги ва кейинги барча маросимлардан воз кечдик. Тўй дастурхони камтарона бўлди.

Тўйда қишлоғимиздаги “Кировул” жоме масжиди имом-хатиби Учқун домла Саидаҳмедов ҳалол-ҳаром, савоб-гуноҳ ва янги қурилаётган икки оиланинг Ватанимиз ва жамиятимиз олдидаги бурч ва вазифалари ҳақида чиройли маъруза қилди. Худога шукр, тўйимиз файзли ўтди, келин-куёвлар ҳозирда тинч-тотув яшашмоқда.

Бу билан ҳаргиз мақтаниш ниятим йўқ. Мақсадим – тўйларимизни ихчам, дабдабаларсиз, исрофгарчиликларсиз ўтказиш даври аллақачон келганини билдириш холос. Келинг, ҳурматли ватандошлар, дабдабали тўй қиласан деб қарзга ботиб, ўзимизга, фарзандларимизга ҳам жабр қилмайлик.

Зоро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай марҳамат қиласи: “Кимки яхшилик қилса, бас, ўзи учундир. Кимки ёмонлик қилса, бас, ўз зарагидир” (Жосия сураси, 15-оят).

**Фуломиддин ДУВЛАЕВ,  
Каттақўргон тумани**

# Меросхўрларнинг тартиби

Марҳум қолдирган мол унинг дафнига сарфланиб, қарз ва васиятлари ўталганидан сўнг, қолгани Қуръони карим, суннат ва умматнинг ижмосига биноан меросхўрларга қўйидаги тартибда тақсимланади:

**1. Фарз эгалари.** Меросга энг биринчи ҳақдор кишилар “фарз эгалари” дейилади. Майитдан қолган молнинг уларга қанча тегиши аниқ белгилаб қўйилган.

**2. Асабаларга.** Асабалар фарз эгалари бўлмаганда, тариканинг барчасини, фарз эгалари бўлганда, улардан ортганини оладиган ворислардир.

**3. Вало эгаси.** Яъни марҳумни қулликдан озод қилган шахс. Ҳадисда: “*Вало* (озод бўлганинг мавлога тегадиган мероси) *озод қилувчига тегади*”, дейилган.

**4. Завул-арҳом.** Марҳумнинг қизининг фарзандлари, онасининг отаси, амма, тоға, холалар “завул-арҳом” дейилади.

**5. Мавлал-мувалот.** Насаби номаълум киши насаби маълум киши билан биродарлашиб: “Ўлсам, меросхўрим бўласан, жиноят қилсан, хунини тўлайсан”, дейди ва насаби маълум киши қабул қилдим деса, ўртада биродарлик событ бўлади.

**6. Марҳум: “Менинг наасабимдан”, деб иқрор бўлган шахс.** Марҳум тириклигида ҳеч ким насл-насабини билмайдиган кишини “менинг акам” ёки “укам” деб бу икроридан ўлгунича қайтмаса ва насаби

номаълум шахс эса унинг гапини тасдиқ ҳам, инкор ҳам қилмаса, меросхўр бўлади. Яъни юқоридаги меросхўрлардан ҳеч ким бўлмаса, марҳумнинг моли мана шу кишига берилади.

**7. Майит ҳамма молини васият қилган киши.** Маълумки, васият ҳамма молнинг учдан бирдан ортмаслиги керак. Агар кимгадир молининг ҳаммасини васият қилган бўлса ва шу ергача саналган меросхўрлар синфидан ҳеч ким бўлмаса, у ҳолда қолган мерос ўша кишига берилади.

**8. Байтул-мол.** Марҳумнинг бирорта меросхўри бўлмаса, унинг моли умуммуслмонлар манфаати учун у ерга берилади.

Тартиб бўйича аввал келгандаридан ҳеч нарса қолмаса, кейингилари ҳеч нарса олмайдилар.

Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: “**Отаоналар ва қариндошлар қолдирган нарсада эркакларнинг насибаси бор. Ота-оналар ва қариндошлар қолдирган нарсада аёлларнинг ҳам насибаси бор. У оз бўлсин, кўп бўлсин – фарз қилинган насибадир**” (*Нисо сураси, 7-оят*).

**Эркак меросхўрлар:** 1. Ўғил. 2. Ўғилнинг ўғли (қанча пастласа ҳам, яъни ўғил ўғлининг ўғли ва ҳ.). 3. Ота. 4. Отанинг отаси (қанча юқориласа ҳам, ота отасининг отаси ва ҳ.). 5. Туғишган ака-ука. 6. Ота бир ака-ука. 7. Она бир ака-ука 8. Туғишган ака-уканинг ўғли. 9. Ота бир ака-уканинг ўғли. 10. Туғишган амаки. 11. Ота бир амаки. 12. Туғишган амакининг ўғли. 13. Ота бир амакининг ўғли. 14. Эр. 15. Қулни озод қилган хожа.

**Аёл меросхўрлар:** 1. Қиз. 2. Ўғилнинг қизи (қанча пастласа ҳам, яъни, ўғил ўғлининг қизи ва ҳ.). 3. Она. 4. Онанинг онаси (қанча юқориласа ҳам, яъни она онасининг онаси ва ҳ.). 5. Отанинг онаси (қанча юқориласа ҳам, яъни ота, отасининг онаси ва ҳ.). 6. Туғишган опа-сингил. 7. Ота бир опа-сингил. 8. Она бир опа-сингил. 9. Хотин. 10. Қулни озод қилган аёл бека.

Сайджамол МАСАЙТОВ,  
Фатво маркази бош мутахассиси



# ВАСВАСА руҳий хасталикдир

**Уламолар: "Шайтон қалбга соладиган нарса вассасадир", дейдилар.**

**Бугун жамиятимизда учраётган ўз жонига қасд қилиш кўпинча вассага берилишдан келиб чиқмоқда. Бу иллатнинг олдини олиш учун ўлим ҳақидаги ёндашувимизни тўғрилаб олишимиз даркор.**

Ўлим бу ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги охирги нафаси, ҳисоб қилинадиган вақт, қабр, жаннат боғларидан бир боғ ёки дўзах чоҳларидан бир чоҳ бўлишини исботлайдиган ҳолатдир. Унинг ҳақиқий маъносини тушуниб, ҳис этган бобо, бувиларимиз бўлар-бўлмасга бу сўзни айтишдан ўзларини сақлаганлар. Шунинг учун ҳам халқимиз вафот этган кишига нисбатан тўғридан-тўғри "ўлим" сўзини қўлламайди. Балки "Фалон киши дунёдан ўтибди", "Бўлмай қолибди", "Омонатни топширибди" каби ибораларни ишлатиш урфга айланган.

Бугун эса бу сўзга нисбатан енгил муносабатда бўлиш бу иллатнинг авж олишига асосий сабабdir. Айримлар ўзаро ҳазиллашиб ҳам ўлим сўзини айтмоқда. Ҳатто айрим оналар фарзандларига нис-

батан қўрқмасдан "ўлим" сўзини ишлатиб, қарғайдилар ёки дакки беради.

Жиддий сабаблардан яна бири меҳршафқат етишмаслигидир. Доимо бир-бирлари билан чиқиша олмайдиган, арзимас сабаб билан уриш-жанжаллар бўлаверадиган оиласарда ўсаётган фарзандларнинг қалби дунёни оиласи тимсолида тасаввур этади. Бора-бора ўлим оддий нарса, ҳаёт қийинчиликларидан қутулиш йўли бўлиб туюлади унга.

Афсус, бунинг исботини кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Ҳали онги мукаммал шаклланиб улгурмаган айрим мактаб ёшидаги болаларда ҳам ўз жонига қасд қилиш ҳолатининг содир бўлишини ушбу сабаблардан деб айтиш мумкин.

Бу оғатдан сақланиш учун Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: "**Тақво қилганларга шайтондан (бирор) мусибат етса, (дарҳол Аллоҳни) эслайдилар. Бас, ўшанда улар (ҳақни) кўрувчиidlар. Уларнинг дўстлари йўлдан уришда уларга ёрдам берадилар. (Бу ишда) сустлик қилмайдилар**" (Аъроф сураси, 201-202-оятлар).

Муқаддас динимиз таълимотида инсон ҳаёти дахлсизлиги, унинг қадр-қимматини

асраш каби муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Мисол учун, ҳадиси шарифларда инсон ўзини ўлдириши у ёқда турсин, ҳатто ўлимни хаёлга келтиришдан ҳам қайтариленган. Жумладан, Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинганд ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизлардан ҳеч бирингиз (ўзига етган зиён сабабли) ўлимни орзу қилмасин...” дедилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Бу ҳаёт имтиҳон майдонидир. Аллоҳ таоло бу ҳақда Қуръони каримнинг кўплаб оятларида хабар берган. Жумладан, Балад сурасида бундай дейди: “Ҳақиқатан, инсонни (дин ва дунё ишларida меҳнат ва) машаққатда (бўлиш учун) яратдик” (4-оят).

Дарҳақиқат, синовларда чиниққан инсонгина ҳақиқий саодатга эриша олади. Акс ҳолда, инсон бир мартағина бериладиган ҳаёт имкониятини қўлдан бой бериб, инсоний қадр-қиммати ва иймонини шайтоннинг васвасасига алданиб поймол қилиши ҳеч гап эмас.

Инсон ҳаётининг барча жабҳаларида турли-туман синовларга, қарама-қаршиликларга тўқнаш келмасдан муваффақиятга эриша олмайди. Ҳаётда учрайдиган синовларнинг қаршисида тун қанчалик қоронғи ёки узун бўлмасин, албатта, файзли тонг отишини кутгандек дадил тура олиш чин инсоний фазилатdir.

Мусулмон киши бошига тушадиган яхшилик ва ёмонлик Аллоҳ таоло томонидан эканига иймон келтиради. Бусиз унинг иймони мукаммал бўлмайди. Иймоннинг мазкур шарти нафақат тилимизда, балки амалимизда ҳам ўз татбиқини топиши лозим. Агар мана шу тушунча мустаҳкам ўрин олса, дунё ҳаётida бошимизга тушадиган ҳар қандай қийинчиликлар қаршисида шошиб қолмайсиз.

**Ўткир УМИРҚУЛОВ,**  
Ўзбекистон халқаро ислом  
академияси магистранти

## Уламолар ҳиммати риоя қилишдир

**Сизлар ҳоҳлаганча илм ўрганаверинглар.**  
Аллоҳга қасамки, амал қилмагунингизча  
Аллоҳ сизларга унинг учун ажр бермайди.  
**Аҳмоқлар ҳиммати ривоят қилиш, уламолар ҳиммати риоя қилишдир.**

\* \* \*

Олимларнинг жазоси қалбларининг ўлганидир. Қалбнинг ўлиши эса илми ва амаллари бўла туриб, дунёга ҳарис бўлиб юрганидир.

\* \* \*

Илм талаб қилинглар, фақат илмни ҳилм (мулойимлик) ва викор билан яширинглар.

\* \* \*

Олимларнинг илмини, файласуфлар назариясини тўплаб, амалда нодонлар дараҷасида иш кўрувчилардан бўлма!

\* \* \*

Олимлар қаламларининг сиёхи шаҳидлар қони билан ўлчанади. Олимлар қаламларининг сиёхи шаҳидлар қонидан оғир келади.

\* \* \*

Олимлар бўлмаганида инсонлар чорва моллари каби бўлиб қолардилар.

Олимлар юлдузларга ўхшайди. Агар кўриниб турса, одамлар улар билан йўл топишади. Агар кўздан йўқолиб, зулматда қолсалар, қаёққа юришни билмай ҳайрон қолишади.

\* \* \*

Аллоҳга қасамки, қай бир банда дўзахга аниқ ишонса, унга кенг дунё тор бўлиб қолади. Муноғиқ эса дўзах гарчи мана шу деворнинг ортида турган бўлса ҳам, унга тушмагунича шубҳа қилаверади.

\* \* \*

Эй Одам боласи, сенинг саҳифанг очилди, икки ҳурматли фаришта сенга вакил қилинди. Биттаси ўнг тарафингда туриб яхшиликларингни ёзади, иккинчиси чап томонингда ёмонликларингни битади. Нимани хоҳласанг, қилавер. Вафот эттанингда саҳифанг беркитилади ва қабрингда бўйнингга осиб қўйилади. Киёмат куни шундай ҳолда қабрингдан чиқсан.

**Нигора МИРЗАЕВА тайёрлади.**

Расул ҲАМЗАТОВ, Догистон халқ шоири

## Омон ўтиб келсам хавфу хатардан...

Машхур авар шоири Расул Ҳамзатов (1923–2003) халқимизнинг бой адабий ва маданий меросига ҳавас қиласарди. Ҳазрат Алишер Навоийни авлиё шоир сифатида эъзозларди. Догистоннинг Хунзах туманидаги Цада овулида туғилган шоирнинг “Оташин севги ва ёндирувчи ғазаб” номли илк шеърий китоби 1943 йилда чоп қилинган. Унинг китоблари шеърхонлар меҳрини қозонди. Ўзи “XX асрнинг буюк шоири” деб эътироф этилди.



Расул дер: “Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ”.  
Мен дейман: “Онамдан бошқа она(м) йўқ”.  
Энди оstonамда зор парвонам йўқ,  
Уйга тортадиган “куч-баҳонам” йўқ.

Кўз ўнгимдан кетмас шу жойда онам,  
Ёлғиз ўтиради йўлимни пойлаб.  
Тун-кунларни санаб ютган ғам-алам,  
Тонгни қаршилаган неча марталаб.

Энди қишида тўубиб қайтсан сафардан,  
Ким олов ёқади ўчоққа шошиб?  
Омон ўтиб келсам хавфу хатардан,  
Энди ким эркалар бағрига босиб?

Қўлларимда Куръон! Мисли ёнар чўғ,  
Имомлар ҳам уни ушлаб тушган чўқ.  
Улар дер: “Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ”.  
Мен дейман: “Онамдан бошқа онам йўқ”.

### ҚУТЛУҒ БИР СОАТ

Дейдиларки, фақат расул Муҳаммад,  
Ер юзида кўрган олий марҳамат.  
Яратган у билан қутлуғ бир соат  
Арши аълосида кургандир сұхбат.

Мен оддий бандаман, этмай ибодат,  
Бундай марҳаматни қиласмасман ҳавас.  
Ўтган яқинларим билан бир соат  
Юзма-юз ўтириб сұхбат қурсам, бас.

Ха, жуда истайман қутлуғ бир соат,  
Эски уйимизда раҳматли отам,  
Гулхан атрофида тўкканча савлат,  
Менга аввалгидай бўлсайди ҳамдам.

Даврага қўшилса раҳматли онам,  
Үнга дардларимни этсан дастурхон.

Иккиси бир соат бўлсайди ҳамдам...  
Афсуски, бу сира ушалмас армон.

Қанча сўрамайлик ёлвориб зор-зор,  
Бизга берилмайди бундай бир соат.  
Чунки ҳар нарсанинг ўз ҳисоби бор,  
Ўтган ўтди, ортга қайтмайди фурсат.

Умр бўйи ненидир излаймиз сарсар,  
Бизга билганимиз билгандир фақат.  
Қалбимиз мусаффо бўларди магар,  
Бизга ҳам берилса қутлуғ бир соат.

\* \* \*

Ҳатто беш дақиқа ёруғ дунёга,  
Қарашга фурсати қолган турмас тек.  
Шошар, ерга сиғмай сапчир самога,  
Худди яна юз йил яшайдигандек.

Неча асрким, тоғлар йироқ-йироқда,  
Шошқин одамларни кузатади тек.  
Лекин улар ғамгин, турар титроқда,  
Худди беш дақиқа умри қолгандек.

\* \* \*

Догистоним, сенга фидодир жоним,  
Яшаяпман бутун борлигим атаб.  
Барча олган орден, медаль, унвоним  
Тоғларинг кўксига қўяман қадаб.  
Янгроқ мадхиямдир шарафинг, шонинг,  
Шеъримга кўчирмоқ истайман боринг.  
Чакмоним – бағрингда ўсган ўрмонинг,  
Бўрким – чўққингдаги оппоқ муз-қоринг.

### ЙЎЛ ЧЕТИ ТОШИДАГИ ЁЗУВ

Бу йўлларнинг боши ҳар хил албатта,  
Ва лекин уларнинг манзили битта.

### ҚАБРТОШДАГИ ЁЗУВ

У куйлади, қулоқ тутарди ўзга,  
Энди у жим қулоқ тутади сўзга.

### КИТОБДАГИ ЁЗУВ

Китоб мисли енгилмас лашкар,  
Доим жангиз олади шаҳар.

Асрор МЎМИН  
таржимаси

## НАБИРАМГА

Биринчи қадаминг бўлсин муборак,  
Ким ҳам ғурра қиласар хоҳлаб, атайин.  
Илк қадам босаркан ҳовучлаб юрак,  
Инсон ииқилиши, туриши тайин.

Жажжи қадамларинг бугундан бошлаб,  
Муқаддас заминни ўлчайди, демак.  
Ҳали шу қадамларни бирма-бир ташлаб,  
Ҳаёт йўлин босиб ўтмоғинг керак.

Бўлсин доим юрар йўлларинг ойдин,  
Қоқилсанг, йиғлама, барини унут.  
Мақсадни тўғри қўй олдингга олдин,  
Ҳақнинг синовидан сабот билан ўт.

**Насриддин ҚЎЛДОШЕВ,**  
*Шароф Рашидов тумани*

## ҲИКМАТ

Бир одам боф аро ётиб чалқанча,  
Қойил қолмаганмиш Ҳақнинг ишига.  
Тарвузни яратиб оддий палақда,  
Ёнғоқ қадаганмиш катта дараҳтга.  
Тасодиф, банданинг бошига шу чоғ,  
Узилиб тушибди бир-икки ёнғоқ.  
Шугина азобга беролмасдан тоб,  
Бирдан тавба, дебди, тиз чўкиб шитоб.  
Оlamга ҳукмини таратувчи У.  
Барини ҳикмат-ла яратгувчи У.

**Абдусаид НУРБОЕВ, Кўширабот**

## ЎЗИНГ БИР ОЛАМ

Шаршара сувидек қуёш нурлари,  
Заминнинг устига оқиб турибди.  
Ясанган келиндай тоғ ўнгирлари,  
Гуллардан сирғалар тақиб турибди.  
Ҳайрат-ла сен бунга боқасан одам,  
Бу олам ичра сен ўзинг бир олам.

Зулматли кечада момақалдироқ,  
Осмону заминни ларзага солар,  
Ғазабдан ёрилиб кетай деб чақмоқ,  
Яшин қилич билан ташланиб қолар.  
Қоплар ботинингни қўрқув ўша дам,  
Бу олам ичра сен ўзинг бир олам.

Дуторнинг торидан таралади куй,  
Экиб қўнгилларга ором ниҳолин,  
Бу завқли ҳаётнинг лаззатига тўй,  
Сипқориб қувончли туйғулар болин,  
Сендан узоқлашар изтироб ва ғам,  
Ўзингдан Ўзини англаганинг дам...  
Бу олам ичра сен ўзинг бир олам...

**Усмон МИРЗАЕВ, Чироқчи тумани**



## ҚАЧОН АЛЛОҲ ДЕЙМИЗ?

Опа-синглим, қариндошим,  
Мазҳабдошу дин қардошим.  
Қўни-қўшни, қишлоқдошим,  
Тенгкурларим, мактабдошим.  
Шаҳардошим, тумандошим,  
Миллатдошим, ватандошим.  
Товоқдошим, эмикдошим.  
Айтинг, қачон Аллоҳ деймиз?

Хабардормиз об-ҳаводан,  
Мақтаниш, кибру ҳаводан.  
Бозордаги нарх-наводан,  
Шеъриятдан, куй-наводан.  
Африқадан, Амриқодан,  
Ҳасталиқдан ва даводан.  
Давоси йўқ бедаводан,  
Айтинг, қачон Аллоҳ деймиз?

Иймонсиз ҳам кўнгил чоғми?  
Нафсинг иймонингга чоҳми?  
Бошинг осмон, кўксинг доғми?  
Тоғинг чўкмайдиган тоғми?  
Умринг сўлмайдиган боғми?  
Ҳаётинг ўчмас чироқми?  
Тандан жонинг чиқар чоғми?  
Айтинг, қачон Аллоҳ деймиз?

## ҚИЗИМГА

*Қизим, сендан умидим кўп, умидим оқласанг бўлди,  
Отанг каби ҳақиқатни барадла ёқласанг бўлди.*

*Жавобсиз қолмагай ҳеч иши, Худодан беркитолмайсан,  
Буюрмас ўзганинг ризқи, ўзгага боқмасанг бўлди.*

*Қўлингдан келса муҳтождан, аяма ёрдаминг ҳаргиз,  
Савобга қўл уриб кўпроқ, дилимни чоғласанг бўлди.*

*“Яхшидан боф, ёмондан доф қолур” деб кетди донолар,  
Қадам босган маконингни яшнатиб, “боғ”ласанг бўлди.*

*Абу Дангал ризо сендан, “Ота рози – Худо рози”,  
Куним битгач, дуоларда отангни ўйқласанг бўлди.*

**Абу ДАНГАЛ, Данғара тумани**



# Гуноҳ ишдан ҳеч ким қайтармаса...

**...Қатағонлар кучайган ўттизинчىй ийллар охирида бобом Турсунхон эшон Самарқанд вилоятининг Митан қишлоғида истиқомат қилган. Қизиллар ҳовли-жойларини эгаллаб олганидан кейин, бир куни кечаси барча ахли оиласлари билан яширинча Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги Кул Чиял, Бойли қишлоқларига келиб, бир неча ой шу ерда яшайди.**

Онам Хонимой Сайдованинг туғилган жоийи Самарқанд вилояти Челак (ҳозирги Пайариқ) туманидаги Ойлавад қишлоғи бўлган. Отасининг исмени Сайдолимхон дейишган.

\* \* \*

Отам Аҳмадхон эшон 1941 йилнинг баҳор ойларида ҳарбий хизматга



Суратда: Очилхон Аҳмадхон ўғли.

чақирилади. Дастрлаб Челябинск шаҳрига олиб борилади. Ўша жойдан отам битта хат ва битта сурат юборган. Хатда ёзиича, Калининградга бориб, урушга киради.

\* \* \*

1960 йилдан ҳам колхозда механик бўлиб ишладим, ҳам диний билимимни оширишга астойдил киришдим. 1970 йилдан бошлаб Шаҳрисабздаги “Ҳазрати Имом” жоме масжидига жума намозига қатнай бошладим. У ерда катта олимлар, эшонлар, муллалар билан танишиб, уларнинг ҳам сұхбатларидан баҳраманд бўлдим. Жумладан, Эшон Файзуллохон (Равғоний), мулла Абдулла (Гулшаний), домла Камол (Имканагий) илмлари, тажрибаларидан ўргандим. Ҳатто ҳозир ҳам 80 ёшга кирган бўлсам-да, илм ўрганишдан чарчамайман. Мулла Бозор Охун домлани доим мотоциклимга миндириб, хизматни қилдим. Мулла Бозор Охун домла 100 ёшда, Домла Камол Имканагий ҳам 100 ёшда бу фоний дунёдан риҳлат қилишганида, жанозаларини Тоҷикистондан, душанбелик қози Рашид ўқиди. Эшон Файзуллахон Равғоний 90 ёшда вафот этдилар. Солиҳ инсонлар хизматини қилиб, дуосини олиб, ийллар ўтиши билан ҳам эл-халқ орасида ҳурмат қозондим. Иккита нарсага доимо ниҳоятда хурсанд бўламан, шукр қиласман. Биринчиси 1991 йил Ватанимизнинг миллий мустақилликка эришганига, иккинчиси 1991 йили муборак ҳаж сафарига бориб келганимга. Яратган Раббим менга ҳам мана шундай тинчлик, осойишталик ва фаровон, ҳур замонларни насиб этди.

Бу шарафли йўлда устозларим – чироқчилик мулла Бозор Охун, мулла Абдуллоҳ, шаҳрисабзлик мулла Омонхон ва бошқалардан таълим олдим. Илм таҳсилидан тўхтамадим. “Чор китоб”, “Маслакул мутаққийн”, “Мухтасарул виқоя”, “Риёзус солиҳийн”, тафсир китобларидан “Қози Бойзовий”, “Тафсири Ҳусайний” ва ҳадис китобларидан “Ширъатил

Ислом” китобларини, Шайх Абдулазиз Мансур домланинг тафсир китобларини ўқиб юраман.

Мўмин киши Аллоҳни таниб, У Зотнинг неъматларига шукр қилмаса, амрларини адо этиб, қайтариқларидан сақланмаса, рўзғоридан файз-барака кетади.

Бир гал туманимиз бозорида тўнғиз гўшти сотилаётганини эшитиб қолдик. Тезда мулла Рўзимурод раҳматли билан бориб, бу иш жоиз эмаслигини тушунтиридик. Гўштларини бозордан олиб чиқиб кетишиди. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор гуноҳ ишни кўрганда, ҳеч ким ундан қайтармаса, шу қавмдагиларнинг бари бирдек гуноҳкор бўлишини айтганлар.

\* \* \*

Ҳозирги замонда кўпчилик майшат, айш-ишратга берилиб кетяпти. Бозорларда, кўча-кўйда тозами, шубҳалими, суриштирилмай еб-ичмоқда. Турли байрамлар баҳонасида одамлар ҳафталааб исрофгарчилик қилишади. Тўқ бўлса ҳам, яна еяверади... Аслида, одам қанча кам ва тартибли овқат еса, шунча соғлом бўлади.

Мутасаввиф уламолар айтишларича, камолотга эришишда 4 та аркон бор: биринчиси, кам ейиш, иккинчиси, кам ухлаш, учинчиси, кам гапириш, тўртинчиси, хилват, яъни баъзан танҳо қолиб, дунё ҳой-ҳавасларидан буткул узилиб, зикр билан машғул бўлиш.

\* \* \*

Алҳамдулилаҳ, ота-онамнинг дуолари туфайли пири-бадавлат бўлиб яшаб юрибман. Аллоҳ таоло менга 11 фарзанд берди. Ҳаммаси уйли-жойли, касб-хунарли. Юртимизда ҳозир диний ва дунёвий тараққиётни кўриб, Аллоҳга беҳисоб шукр келтираман. Бу битикларни ўқиганларга ибрат бўлсин, аждодларим ва менинг мисолимда кеча ва бугунни бир қиёслаб, тафаккур қилсин, деган ниятда ёздим. Ўзи манфаатли қилсин.

**Очилхон АҲМАДХОН ўғли,**  
Чироқчи тумани

## Хамиша ЭЛ ХИЗМАТИДА

*Умрини илм олишга,  
таълим беришга бағишли-  
лаган инсон чинакам баҳ-  
тиёрдир. Зоро, ҳазрат  
Али розияллоҳу анҳу:  
“Илм ўз соҳибини бу дунёда иззатли, охиратда  
Аллоҳ ҳузурида улуғ ша-  
раф-мартабага лойиқ қиласди”, деган.*



Ана шундай шарафга эга устозлардан бири Бухородаги “Мир Араб” мадрасасида таҳсил олиб, узоқ йиллар шу даргоҳда ёшларга таълим бериб, халқимизни диний-маърифий билими юксалиши йўлида хизмат қилиб келаётган инсон Зикриллахон домла Болтаевдир.

Домла камтаринлиги, одоби, муомаласи билан шогирдлар ва халқимиз орасида доимо ҳурмат-эҳтиромда.

Зикриллахон домла 1952 йили Бухоро вилоятининг Фиждувон туманида таваллуд топган. 1975–1980 йилларда Бухородаги “Мир Араб” мадрасасида таҳсил олиб, 1980–1992 йилларда Фиждувон туманидаги “Абдухолиқ Фиждувоний” жоме масжидида имом-хатиб, 1992–1993 йилларда “Мир Араб” мадрасасида мударрис, 1994 йилдан Навоий вилояти бош имом-хатиби, Кармана туманидаги “Қосим Шайх” жоме масжиди ҳамда тумандаги “Хўжа Сабр ота” жоме масжидларида имом-хатиб бўлиб хизмат қилди.

Ҳозирда устоз Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Фахрийлар Кенгаши аъзоси сифатида ёшларга ўз тажриба ва билимларини ўргатиб, доимо эл хизматида бўлиб келяпти.

**Тоҳир РЎЗИЕВ,**  
Навоий вилояти бош имом-хатиби

# Тарихи Мұхаммадий

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

## САВИҚ ҒАЗОТИ

Ислом динига бўйсунган бу улуғ неъматнинг қадрига етган ҳар бир мўмин одам бу диний вазифаларни ўз вақтида адо қилмоқлари албатта лозимдур. Чунки Пайғамбаримиз айтдилар:

– Кимнинг бойлиги бўла туриб, қурбонлик қилмас эрса, у киши биз билан чиқиб ийд намозини ўқимай қўяқолсин.

Ҳазрат Абу Ҳурайра ривоят қилди, Расулуллоҳ айтдилар:

مَنْ وَجَدَ سِعَةً فَلَمْ يُضَحِّ فَلَا يَقْرَبَنَ مُصَلَّاً تَأْمِنَ

**“Ман важада сиатан фалам юзаҳҳи фало яқрабанна мусаллоно”<sup>1</sup>**, маъноси: “Кимнинг қуввати ета туриб қурбонлик қилмаса, бизнинг ийд намози ўқийдиган жойимизга яқинлашмасун”, демакдур. Мана шу ҳадисни далил қилиб ҳазрат Имоми Аъзам: – Ҳар бир қудрати етган кишига қурбонлик қилиш вожиб, – дедилар. Қурбонлик қилиш мўминларга улуғ ибодатдур. Отамиз Одам Сафиюллоҳдин бошлаб, ўтган барча пайғамбарлар бу ибодатни қолдирмай қилдилар, аммо фитр садақаси бўлса, буни ийд намози ўқимасдин олдин бериб, адо қилмоқ вожибур. Чунки Пайғамбаримиз айтдилар:

– Мўминларнинг бир ой тутган рўзалари Худо даргоҳида етолмасдин, ер билан осмон оралиғида тўхталиб қолгай, қачонким рўза тутганлар фитр садақасини фақир ва мискинларга бериб, адо қилсалар, шунда даргоҳга етиб, қабуллик даражасини топгай<sup>2</sup>.

Бунинг яна бир фойдаси шулдурки, Пайғамбаримиз бу ийд кунларини “емак, ичмак, суюнишмак-хурсандчилик кунлари демакдур”, дедилар.<sup>3</sup> Агар фитр садақасини қолдирмай, шариат кўрсатган ўринга топширсалар, фақир-мискинлар

улуг байрам кунларида ҳожатсиз бўлиб, юқорида айтилган уч нарсага кўпчилик қаторида қатнашгайлар. Шу билан байрам кунлари барчага баробар суюнчилик кунлари бўлгай.

**Ҳазрати Алининг ҳазрати Фотимага уйланишлари:** Яна шу йилда Пайғамбари миз қизлари Фотимани ҳазрати Алига никоҳ қилдилар. Ҳазрати Али 28 ёшда эди. Бир куни ҳазрати Абу Бакр билан ҳазрати Умар ҳазрат Алига айтдилар:

– Эй Али, Расулуллоҳ қизлари Фотима вояга етди. Унга уйланиш учун Расулуллоҳдин сўрар бўлсанг, албатта сенга берурлар, – дейишид. Яна хотунлардан бири: – Эй Али, агар хотун олур бўлсанг, Расулуллоҳдин Фотимани талаб қилгил, – деди.

Шунинг билан уйланиш нияти ҳазрати Алининг кўнглига тушди. Араблар одатича, ҳазрати Али тўғри келиб:

– Ё Расулаллоҳ, Фотимани менга жуфт қилинг, – деб сўради. Анда Расулуллоҳ айтдилар:

– Агар маҳр бўлгудек бирор нарсанг бўлса, уни келтиргин.

Ҳазрати Алининг ғазотга минарлик бир отдин, уруш кунларида киярлик бир совутдин бошқа ҳеч нарсалари йўқ эди. Расулуллоҳ отни қолдириб, совутни сотмоқни буюрдилар. Тўрт юз саксон танга баҳо бўлиб, совут сотилди. У пулни келтуриб, Расулуллоҳнинг олдилариға тўкиб қўйди. Ундин бир чангалини олиб:

– Фотима тўйига керакли нарсаларни сотиб олиб келтургил, – деб ҳазрат Билолга буюрдилар. Ўз одатларича, тўй зиёфати ўтгандин сўнгра Расулуллоҳ саҳобалар олдиди ўзлари хутба ўқиб, никоҳ қилдилар. Никоҳ ақди боғлангандан кейин ўртага бир товоқ хурмо ғўраси қўйилди. Ўлтурган кишилар Расулуллоҳнинг ишоратлари билан очиила сочгандек талашиб олдилар. Суюнчилик кунларда очиила талашмоқ расми шул вақтдан қолган.

Сўнгра Пайғамбаримизнинг додаклари Умму Айман ҳазрати Фотимага янга бўлиб, ҳазрати Алининг уйига тушириб келтурди. Икковлари уйнинг икки томонида ўлтиридилар. Расууллоҳ қелиб:

– Бир коса сув келтир, – деб Фотимага буюрдилар. Анда ҳазрати Фотима уялганликдан этакларига ўралиб ийқилаёшиб, бир коса сув келтирди. Бу сувдин Расууллоҳ бир ҳўплаб олиб, яна оғизларидан косага қайтардилар, сўнгра шу сувни ҳазрат Фотиманинг кўкракларига, бошларига сепдилар, кейин Фотимага қараб ушбу дуони ўқидилар:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعْيُدُهَا بِكَ وَذُرِّبَتْهَا مِنَ الشَّيْطَانِ  
الرَّجِيمِ

“Аллоҳумма инний уъийзуҳо бика ва зуррийятаҳо минаш-шайтонир-роҳим”<sup>4</sup>, яъни: “Эй Бори Худоё, Фотимани ва унинг болаларини Ўз паноҳингга қўйдим, шайтоннинг шарридан буларни Ўзинг асрагил”, деб дуо қилдилар. Сўнгра ҳазрати Алига ҳам сув келтиргизиб шундай қилдилар.

Ҳазрати Фотимага Пайғамбаримизнинг берган сеплари мана шулар эди: остиларига солгудек бир қўчкор териси, устиларига ёпинғудек бир жун шолча ва яна бир дона ёстуқ – ташқариси мешдан тикилган, ичи хурмо қовиқлари билан тўлғизилган эди.

Бир куни эрталаб Расууллоҳ ҳазрати Фотиманинг уйига кирдилар. Қарасалар, ҳазрати Али ва ҳазрат Фотима бомдод нағозини ўқигандин кейин совуққа чидай олмай, тўшакларига қайтадан киришиб ётган экан. Расууллоҳни кўриб, уялганидан бошларини буркашиб олдилар. Расууллоҳ қелиб:

– Оёқларимни иситиб олғайман, – деб ораларига муборак оёқларини узатдилар. Бирини ҳазрати Али қучоқлаб кўкракларига босди, иккинчи оёқларини ҳазрати Фотима қўлтиқларига қўйди.

Шунинг билан бир неча ойлар ўтди. Бир куни ҳазрати Фотима Расууллоҳнинг олдиларига қелиб:

– Ё Расууллоҳ, мени Қурайш йигитлари ичидаги энг камбағал кишига берган экансиз. Остимизга солгудек бир қўчкор терисидан бошқа тўшагимиз йўқдур. Кечаси жун томонини солиб ётурмиз, кундузи тери томонини ағдариб, туямизга ем берурмиз. Устимиздаги ёпинчимиз тор ва энсиз. Торлигидан йўлдошим тортса – мен очилурман, мен тортсан – ул очилиб қолгай, – деди. Анда Расууллоҳ:

– Эй қўзичноғим, бу йўқсизликка сабр қилгайсиз. Мусо пайғамбар қизлари билан ўн йилгача ўрталарида бир дона чопондин бошқа остиларига солгудек тўшаклари йўқ эди, – дедилар. Мана шунинг учун Расууллоҳ:

### الفقر فخرى

“Алфақру фахрий”<sup>5</sup>, – дедилар, яъни “Ҳар кимсанинг дунёда мақтнурлик бирор белгиси бордур, менинг мақтнурлик нарсам фақирлигимдур” [демакдир]. Пайғамбаримизнинг бу сўзлари эса камбағал умматлари учун юпанғу бўлмоққа етарлидур. Ҳазрати Фотима ва ҳазрати Алининг ҳақларига Пайғамбаримизнинг қилган дуолари мақбул бўлиб, бутун дунёга тарқалган саййидларимиз Фотима Захродин туғилган ўғиллари Имоми Ҳасан, Имоми Ҳусайн, қизлари Зайнаб шуларнинг наслариidor. Пайғамбаримиз айтганлариdek, Аллоҳ таоло буларнинг авлод-наслларига баракот ато қилгандур.

**Алихонтўра СОҒУНИЙнинг  
“Тарихи Мұхаммадий” асаридан**

### Давоми бор...

<sup>1</sup> Имом Ҳоким. Мустадрак, 2/422; Байҳакий. Сунанулкубро, 9/260.


<sup>2</sup> Ибн Можа, Закот, 21; Ҳофиз Мунзирий. Ат-тарғиб ват-тарҳиб, 2/152.

<sup>3</sup> Имом Ҳоким. Мустадрак (бироз фарқли лафзлар билан), бети аниқлангусидир.

<sup>4</sup> Имом Бухорий. Аҳодисул-анбиё, 44.

<sup>5</sup> Ажлуний. Кащфул-хофа, 2/113; Алиюль-қорий. Ал-Маснуъ, 1/128.

## Самимий гапнинг кори



Қўшнимизнида тез-тез шовқин-сурон, жанжал бўлиб турарди. Билишимизча, қўшнимизнинг ўғли дўстлари билан улфатчилик қилиб, оз-оздан ичкилик ҳам ичиб келар, сўнг уйига келиб, аёли ва болаларининг ҳаловатини бузарди. Ота-онаси ҳамда маҳалла оқсоқоллари бир неча бор аралашганига қарамай, йигит инсофга келмаётган эди.

Кейинги пайтларда қўшнининг уйида тинчлик-осойишталик бўлиб қолди. Йигит ҳам кўчада кўрганига одоб билан салом бериб, сўрашадиган, уйига вактида қайтадиган, уйига нон кўтариб келадиган бўлди.

Қўшним Шариф бобони кўрганда мамнунлигимни билдириб:

– Хайрият, ўғлингиз инсофга келиби, тарбиялаб олибсиз, – дедим.

У киши хурсанд ҳолда кулиб:

- Ўғлимни ўғли тарбиялади, – деди.
- Йўғ-еъ, қандай қилиб? – қизиқиб сўрадим.

– Учинчи синфда ўқийдиган набирам Бойсари бир куни эрталаб дадасидан: “Ҳар куни уйга нечта нон олиб келасиз?” деб сўрабди. Дадаси унинг гапидан ҳайрон бўлиб: “Қанча керак бўлса шунча-да”, дея бошини қашлабди. Шунда Бойсари болаларча беғуборлик, самимийлик билан: “Дада, сиз уйга ҳар куни учта нон олиб келишингиз керак экан. Биттасини бобом билан бувимга – қарзингизга берасиз, биттасини ойим билан ейсиз, биттасини бизга – қарзга берасиз”, дебди. Ўша кундан бери ўғлим тўғри йўлга кириб, ёмон одатларини тарк этди, алхамдулилах.

Зеро, ҳадиси шарифда ҳам: “*Кишининг ўз фарзандини чиройли одоб-ахлоқ билан тарбиялаши қўп миқдорда садақа беришидан яхшироқдир*”, дейилган (Имом Термизий ривояти).

Эшмурза НУРМАТОВ,  
Самарқанд шаҳри

## Беморнинг насиҳати

Бугун хабар келди: бобосининг аҳволи оғирлашиб, касалхонага тушибди. У шошилинч вокзалга борди, чипта олиб, поездга ўтириди. Кета-кетгунча бобоси билан боғлиқ ёрқин хотиралар хаёлидан лип-лип ўтиб турди. Бароқ қошлари, йилтийилт жилваланиб турадиган, болаларникидай мусаффо кўзлари, мош-гуруч соқоли, бироз эгилган қомати, кўча-кўйда ўтирса, оёқлари орасига қўйиб оладиган ҳассаси – ҳамма-ҳаммаси кўз олдида намоён бўлди. Бобоси уни бошқача сурди, хатто кап-катта бўлиб қолганида ҳам елкасига опичлаб юрарди. Мана энди тўшакка михланиб, севимли набирасининг йўлига кўз тикиб ётибди.

Касалхона бўлмаси кенг ва ёруғ эди. Дориларнинг ачимсиқ ҳиди қоришган хонада бобосидан бошқа ҳеч ким йўқ. Невараси келганини кўрган бобо ёнбошлиди, бошини бироз кўтарди, юзлари ёришди.

Салом-алик қилиб, ҳол-аҳвол сўрашдилар. Қария зўрга нафас олар, кўкраги кўтарилиб-кўтарилиб тушарди. У ҳарсиллаб, зўрга гапираётган бўлса-да, невараси учун унutilmas ҳаёт сабогини бера олди:

– Болам, ўтаётган ҳар бир дақиқани авайла. Ҳаётингнинг қадрига ет. Ҳозир дунёдаги минглаб, балки миллионлаб одамлар ана шу ҳаётни озгина узайтириш, бир неча кун, бир неча соат кўпроқ яшаш учун курашиб ётибди. Ёдингда бўлсин, ҳеч бир сабаб умрингни совуришга арзимайди.

Ориф ТОЛИБ